Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 3 январь, сешанба №2 (21.765.) Сотувда эркин нархда.

ЯНГИ ЙИЛНИНГ ДАСТЛАБКИ ОДИМЛАРИ

Иштихон туманида янги мева-сабзавот омбори қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу ерда минг тоннадан зиёд маҳсулотни сақлаш мумкин. Бултур йирик совутиш омборига 500 тонна картошка, бошқа мева-сабзавотлар йиғиб қўйилди. Эндиликда ишонч билан айтиш мумкинки, тумандаги касалхоналар, мактаблар ва болалар боғчалари бутун қиш давомида витаминга бой маҳсулотлар билан таъминланиши аниқ.



Суратларда: 1.(Юқорида) ишчи Толлибой Нормуродов. 2. (Пастда) механик Фуат Каримов ва товаршунос Алимамат Нодиров совутиш ускунасини кўздан кечирмоқда.

Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

ТАЪСИС КОНФЕРЕНЦИЯСИ БЎЛИБ ЎТДИ

«БошТошкентқурилиш" давлат-акционерлик қурилиш корпорацияси биносида ушбу ташкилотни Тошкент молия-қурилиш корпорацияси «Тошкентуйжойинвестқурилиш"га айлантиришга бағишланган таъсис конференцияси бўлиб ўтди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р. Юнусов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов ва пойтахтдаги қурилиш ташкилотлари раҳбарлари иштирок этишди. Ушбу йиғилишда сўзга чиққанлар Президент Фармонининг моҳияти, ундан кўзланган мақсад тўғрисида фикр юритишди.

«Тошкентуйжойинвестқурилиш»нинг раиси этиб Тоҳир Зокиров сайланди. Шунингдек, корпорациянинг бошқарув ҳайъати аъзолари, кенгаш ва тафтиш комиссияси таркиби ҳам тасдиқланди. Қабул қилинган Уставга биноан «Тошкентуйжойинвестқурилиш» ўз таркибига қурилиш ташкилотлари, корхоналар, кредит-молия муассасалари, инвестиция ташкилотларини, жумладан хорижий муассаса ва ташкилотларни ихтиёрий равишда бирлаштириши мумкин.

Нарзулла ШОНИЁЗОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Иқтисодиёт хабарлари

ДАСТУРХОНИМИЗ ТЎКИНЛИГИ ЙЎЛИДА

Сурхондарё вилояти, Қизириқ туманининг Ҳаким Эшонов номидаги чорвачиликка ихтисослашган жамоа хўжалиги меҳнатчилари давлатга ўтган йили минг тоннадан ортиқ гўшт сотдилар. Улар имкониятларини чамалаб, янги йил арафасида эл дастурхонига яна 300 тонна гўшт етказиб беришди.

Келгуси йилда хўжалик фаолияти янада кенгайтириладиган бўлди, яъни ғаллазор майдонлари ҳажми 750 гектарга етказилади. Суғорма ерларда буғдойнинг серҳосил нави етиштирилмоқда. Жамоа хўжалиги ғаллакорлари кузги буғдойни энг қулай муддатда экиб, минерал ўғитлар билан озиқлантириш ҳисобига ҳосилдорликни гектарига 45 центнерга етказишни мўлжаллашмоқда.

ГАЗ ЯНАДА ЯХШИРОҚ ТОЗАЛАНАДИ

Қашқадарё вилояти қурувчилари янги йил арафасида Муборак газни қайта ишлаш заводида газни тозалайдиган катта блокни қуриб битказдилар.

Бу блок -- корхонанинг ўн тўртинчи цехи бўлиб, икки миллиард куб метр газни турли кераксиз аралашмалардан тозалашга мўлжалланган.

МАҲСУЛОТГА ҚИЗИҚИШ КАТТА

Андижон вилояти Хўжаобод туманидаги қуруқ мевалар заводи ходимлари боғ ва полиз маҳсулотларини қуритишга мўлжалланган Италия ускуналарини ишлатишни ўзлаштиришди.

Бу ускуналар ёрдамида бир соат ичида икки тонна қуритилган сифатли сабзавот ва мева олиш мумкин. Ғарбдаги фирмалар корхона маҳсулотига қизиқиб қолди. Хусусан, 80 тонна қуритилган карамни хорижга жўнатиш тўғрисида битим тузилди. Янги йилнинг 1 январидан хорижга маҳсулот етказиб бериш бошланди.

(ЎзА).

ЙЎЛОВЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Жиззах шаҳрида янги автобус шоҳбекати ишга тушди. «Олмазор» номини олган бу шоҳбекат вилоят марказини туманлар билан боғлайди. Шоҳбекатда йўловчилар учун дам олиш, кутиш жойлари, кексалар, ногиронлар, ёш болали оналар учун хоналар бор. Шарқ меъморчилиги услубида қурилган шоҳбекатнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси автотранспорт давлат акционерлик корпорацияси раиси Л. Аҳметов, Жиззах вилояти ҳокими А. Тошкенбоев иштирок этди. Янги йил арафасида шоҳбекат йўловчиларга хизмат кўрсата бошлади.

Пардабой ТОЖИБОЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Мутахассис мулоҳаза юритади

СОЛИҚ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ -- ДАВР ТАЛАБИ

Яқин кунларгача жамиятимизда давлат иқтисодиётини бошқаришнинг режа кўрсаткичлари лимитлар ва нормативлар асосида амалга оширилар эди. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида эса ўша кезлардагидек тизимнинг кераксизлиги маълум бўлиб қолди. Бугун марказлаштирилган режалаштириш ўрнига халқ хўжалиги иқтисодиётини бошқаришнинг янги воситалари қўлланила бошланди. Шу тариқа Президентимиз ташаббуси билан давлат иқтисодиёти жараёнини бошқаришнинг асосий усулларидан бири - солиқ тизими вужудга келганлиги бундай тизимда туб бурилиш ясади.

Бошқаришнинг солиқ усулига ўтиши мамлакатимизда катта аҳамиятга эга эканлиги ўтган қисқа вақт ичида ўз самарасини кўрсатмоқда. Энг муҳими, солиқ усули мамлакатимизда ислоҳотларни бу ерда амалга оширилаётган ижтимоий ўзгаришларнинг муҳим элементи сифатида баҳолашга имкон бермоқда.

Биз ривожланган мамлакатларда солиқ тизими иқтисодий жараёнларни мураккаб ва самарали бошқариш механизмининг ташкилий қисми бўлиб қолганлигини кўрамиз. Шунингдек, у ерда мулкчилик шаклларининг даромадлилик даражасига, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш шароитидаги жамғаришлар ўртасидаги ўзаро нисбатга таъсир этувчи ўзгарувчан восита бўлганлигига шоҳид бўламиз. Шу боисдан тажрибалар асосида иқтисодий бошқаришнинг асосий воситаларидан бири ҳисобланган солиқлар тизими бизнинг республикамизда ҳам қўйидаги йўналишларда иш кўрмоқда:

Умумдавлат харажатларини қоплаш учун асосий даромад манбаи сифатида;

ижтимоий дастурларни ишлашнинг муҳим йўли сифатида;

ишлаб чиқариш ва муомала харажатларини бошқариш усули сифатида;

бозор муносабатларининг шаклланишини тезлаштириш усули сифатида.

Ривожланган мамлакатларда солиқлар бюджети даромаднинг асосий қисмини ташкил этади. Масалан, ҳар йили солиқ тизими орқали Францияда бюджетга 95 фоиз даромад келса, бу кўрсаткич АҚШда 92, Швецияда 90, Буюк Британияда 80, Дания ва Германияда 79 фоизни ташкил қилади.

Демак, бу ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибалари шуни кўрсатмоқдаки, бозор муносабатларининг юзага келиши ва ривожланишида солиқлар давлат иқтисодий жараёнларини бошқаришнинг кучли воситаларидан бири сифатида хизмат қилади.

Маълумки, Ўзбекистон солиқ тизими ҳозирги вақтда анча ёш ва бир қанча синовлардан ўтмоқда. Баъзи бир солиқ турлари, масалан, қўшимча қиймат ва акция солиқ турлари иқтисодиётимиз учун янги ҳисобланади. Бу солиқларнинг ҳали тўлалигича амалиётда қўллашимиз учун маълум вақт керак бўлади. Чунки ҳар бир корхонанинг молиявий фаолиятига ҳамда бутун республика иқтисодиётига таъсирини ўтказиш ва керак бўлган ҳолда солиқлар қонунлари мажмуига тегишли тузатишлар киритиш лозим бўлади. Масалан, қўшимча қиймат солиғини жорий қилиш учун Францияда 5 йил керак бўлган, унинг илмий тажрибага асосланган синови Туркияда 1982 йилдан бошлаб 8 йил давом этган. Худди шундай бизнинг солиқ тизимимизни ҳам ҳали бир неча бор такомиллаштириш, қайта ишлаб чиқиш керак бўлади.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳозирги солиқ тизимимиз республика ривожланишининг миллий, тарихий ва иқтисодий ҳусусиятларига мослашув ва кўникиш даврини ўтяпти.

Шундай қилиб, ҳозирги шароитда республикамизда солиқ тизимидаги мавжуд аспектлар орқали бу тизимни такомиллаштириш муаммолари, унинг иқтисодий жараёнларига таъсири бўйича тадқиқотлар назарда тутилади.

Энди солиқ органларидаги ишга тўхталсак. Бу иш бутун дунёда эътиборли иш деб ҳисобланади. Бу йўналишда бизнинг мамлакатимизда ҳам кўпгина ишлар қилинган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20 октябрь 1992 йилдаги «Республика солиқ давлат органларини келажакда мустаҳкамлаш тўғрисида»ги қарорига биноан солиқ органлари ходимларининг сони ошиб, уларни ижтимоий ҳимоялаш ва фаолиятларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар белгиланган.

Бундан кейинги қилинадиган ишларда солиқ тизимининг самарадорлигини ошириш ва солиқ органларининг фаолиятини яхшилаш мақсадида бир қанча ташкилий чора-тадбирларни бажариш керак бўлади. Жойларда семинарлар, кенгашлар, ташкилий-амалий -- ўқув ишлар ўтказиш ҳамда кадрлар малакасини ошириш мақсадида керакли дастурлар асосида уларни қайта тайёрлаш, аттестациядан ўтказиш, бундан ташқари ахборотлар ҳажмини ошириш ва бошқа мамлакатлар солиқ органларининг иш тажрибаларини ўрганиш фойдали бўлади.

Атайин, билиб туриб қонунни бузиш бўйича тергов ва текширув соҳасида қўшма фаолият юригизиш учун солиқ инспекцияси ва ички ишлар органларининг ишларини бирлаштириш ҳам катта аҳамиятга эга. Ана шунда солиқ органлари ташкилий ишларининг яхшиланишига олиб келади.

Яна бир муаммони бартараф этиш учун бизнингча солиқ тизимимизга давлат йиғими (гербовый сбор) каби тўлов турини жорий қилиш керак бўлади. Давлат йиғими эса ўз-ўзидан халқ хўжалигининг ички ҳужжат айланишини тўғри ташкил қилиш ва уни камайтиришга, бевосита шартномали муносабатларни қўллаб-қувватлашга, қоғозбозликни камайтиришга, ҳаётимизда бўладиган расмиятчиликка барҳам беришга ва бошқаларга қаратилади.

Айни кезларда давлат йиғимининг 0,2-0,25 фоизи турли вексел, акция, ҳар хил шартномалар, суғурта тартиби каби қимматбаҳо қоғозлар ҳисобидан қопланмоқда.

Демак, давлат йиғимининг янада ички хўжалик аҳамиятини тиклашнинг ижобий асослари мавжуд. Бунинг учун солиқлар тизимини такомиллаштиришда давлат ва маҳаллий бюджетларнинг ташкил этилишини бир-биридан аниқ фарқлаш, ижро этувчи маҳаллий органлар вакилларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини қатъий белгилаш, бундан ташқари маҳаллий солиқнинг қатъий тизимини жорий қилиш керак бўлади.

Бозор иқтисодиётига ўтишда солиқ тизимини такомиллаштириш билан бир қаторда, бухгалтерлик ҳисоботига ҳам ўзгаришлар киритилиши мумкин. Чунки бозор иқтисодиёти талабларига ҳозирги ҳисоб-китоб ишлари тўлиқ жавоб бера олмайди.

Солиқ тизимидаги муаммолардан яна бири ҳисоботнинг тезкор эмаслигидир. Бунга сабаб солиқ инспекцияси ва бухгалтер ходимларнинг техник савияси юқори эмаслиги, меҳнат кўрсаткичларининг тўлиқ автоматлаштирилмаганлигидир. Бозор иқтисодиёти шароитида солиқ тизими юқори самарадорлигига фақат иқтисодий математик услубларни кенг жорий қилиш, учёт ходимлари меҳнатини автоматлаштириш орқалигина эришиш мумкин.

Орзиқул ЭШОНҚУЛОВ,
Самарқанд давлат солиқ бошқармаси назорат бўлимининг бошлиғи.
Абдухалил САТТОРОВ,
Самарқанд кооператив институти доценти.

ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИК

Ўтган йил Қорақалпоғистон Республикасида ҳам қувончли натижаларга бой бўлди. Саноатда, транспортда, қурилишда, қишлоқ хўжалигида ижобий ютуқлар қўлга киритилди.

Шу муносабат билан бир қатор корхоналар, бирлашмалар раҳбарларига эришилган ютуқлар ва янги йил режалари ҳақида сўзлаб беришларини сўраб мурожаат қилдик.

«Қорақалпоқагроқурилиш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг техника бўлими бошлиғи Женгиз ЕМБЕРГАНОВ:-- Бирлашмамиз жамоаси янги -- 1995 йилни ажойиб меҳнат совғалари билан кутиб олдилар. Чунки Қорақалпоғистон Республикасида бунёд бўлган, бўлаётган йирик қурилишларда ҳиссамиз беқиёс. Масалан, Туркиянинг ЯЗЕКС корпорацияси билан ҳамкорликда Нукус шаҳрида йилига 6 миллион дона ички кийимлар ишлаб чиқарадиган тўқимачилик мажмуаси қурилиши битказилиб, фойдаланишга топширилди. Ҳозирданоқ ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар қўшни давлатларга ҳам экспорт қилинмоқда. 1994 йилнинг ноябрь ойида Элликқалъа туманида йилига 60 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот ишлаб чиқарадиган ЭЛТЕКС тўқимачилик комплексининг қурилиши жуда қисқа муддатларда битказилиб фойдаланишга топширилиши тарихий воқеа бўлди. Эндиликда бу ерда ҳам икки ярим мингдан кўпроқ киши иш билан таъминланади. Янги йилда Чимбой туманида ШИМТЕКС тўқимачилик комплекси қурилишини тезкорлик билан давом эттирамиз.

Қорақалпоқ қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бирлашмаси раиси муовини Жиемурад ТОЖИМУРОТОВ:-- Республикамизда қурилиш объектларини зарур материаллар билан таъминлашда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Маҳаллий захиралардан унумли фойдаланиш самарадорлик гарови бўлди. Масалан, ғиштга бўлган талаб катта. Шунинг учун ҳам ҳозирданоқ ғишт заводларини кенгайтиришга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Нукус шаҳрида 51 миллион дона ғишт ишлаб чиқарадиган заводнинг биринчи навбати ишга туширилиши бунинг исботи. Мармар заводини кенгайтиришга киришдик. Завод Италияда ишлаб чиқарилган асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Шундай қилиб унинг қувватини 70 минг квадрат-метрдан йилига 190 минг квадрат-метр сифатли мармар ишлаб чиқаришга эришамиз.

Қорақалпоқ автомобиль йўллари акционерлик бирлашмаси раиси муовини Ўтебой ШЕРОЗОВ:-- Йўл қанча яхши, соз бўлса элимиз обод, халқимиз фаровон бўлади. Ҳозирги қийинчилик, танқислик пайтида 1 минг чақиримдан кўпроқ йўллар сифатли ремонтдан чиқарилди. Энг яхшиси шундаки, Қўнғирот -- Бейнов автомобиль йўли қурилиши тезкорлик билан олиб борилмоқда. Ўтган йилнинг сўнгги тўрт ойида 142 чақирим масофада ушбу йўлнинг тупроқ ишлари адо этилди. Бу ишда Қорақалпоғистон, Сурхондарё, Бухоро вилоятлари йўл қурувчилари яқиндан ёрдам кўрсатмоқда. Ҳадемай маълум қисмида транспорт қатнови бошланади. Бу автомобиль йўли ишга туширилгач, кўпгина қўшни давлатлар билан иқтисодий ва маданий алоқаларимиз яна ҳам мустаҳкамланишига имкон яратилади.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МУСТАҚИЛЛИК ШАРОФАТИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиликка эришган биринчи кунданоқ уни ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий мустаҳкамлаш йўли тутилди. Сиёсий мустақилликнинг энг зарур кўринишларидан бири бу -- давлатнинг ўз миллий паспорти бўлишидир. Ўзбекистон халқи ҳам қувончли воқеа -- ўз паспортларига эга бўлиш арафасида турибди.

Янги миллий паспорт дунёнинг энг ривожланган мамлакатларида амалда бўлган паспортларни ўрганиш, уларнинг энг яхши жиҳатларини республикамиз шарт-шароитларига мослаштириш ҳамда тўлдириш натижасида яратилди.

Илгари паспортлар қўлда тўлдирилган бўлса, эндиликда улардаги ёзувлар замонавий талабларга жавоб берадиган машинкаларда қайд этилади. Биз бунинг учун 300 дан зиёд ходимни ана шу машинкаларда ишлашга ўргатдик. Уларга германиялик мутахассислар ва бошқармамизнинг етакчи ходимлари сабоқ берди.

Ҳозир республикамизнинг барча вилоятлари ва шаҳарларида ана шундай техник воситалар мавжуд. Улар халқимизга янги йил туҳфаси қилиб 1995 йилнинг 1 январидан бошлаб миллий паспортларни тарқатишга киришдилар.

Республикамизнинг биринчи миллий паспортлари даставвал кимларга берилади деган савол туғилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими тўғрисидаги низом»ни ҳаракатга киритиш тўғрисидаги Фармонида айтилганидек, уни биринчи навбатда 16 ёшга тўлган йигит-қизларга, паспортларнинг ҳаракат муддати тугаган, фамилияси, исми-шарифини ёки миллатини ўзгартирмоқчи бўлган, шунингдек, паспортини йўқотган ва хорижга чиқмоқчи бўлган фуқароларга берилади.

Фуқароларимизни миллий паспортларни қаердан олиш қизиқтирса керак. Бунинг учун ҳар бир фуқаро ўзи яшаб турган ҳудуддаги ички ишлар идораларига мурожаат этса кифоя.

Ушбу паспортнинг афзаллик томонлари ҳақида гапириладиган бўлса, аввало, фуқаро янги паспорт билан чет элларга бемалол бора олади. Бунинг учун ички ишлар идоралари фуқаро паспортига икки йилгача «дунёнинг барча мамлакатларига» чиқишга рухсат этилди деган штамп босиб беради.

Паспорт 32 варақдан иборат бўлиб, унда фуқаро ҳақида батафсил маълумотлар ёзилади, шунингдек, унинг болалари, яшаш жойи ҳақидаги тўлиқ маълумотлар ҳам кўрсатилади. Унинг 21 бети эса чет мамлакатларга чиқиш учун рухсат визалари учун ажратилгандир.

Паспортнинг сўнгги бетида «Паспорт Ўзбекистон Республикаси мулкидир. Ушбу паспорт эгаси Ўзбекистон Республикаси ҳимоясидадир» деган сўзлар зикр этилган. Бу эса ватандошларимизни сиёсий томондан ҳимояланганини билдиради.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимлари юртимизнинг барча фуқаролари каби мамлакатимиз Президентининг миллий паспортни жорий қилиш ҳақидаги Фармонини кўтаринки руҳ билан қабул қилдилар.

Ушбу тадбирларни хотиржамлик билан ҳамда сифатли амалга ошириш республика Ички ишлар вазирлиги раҳбариятининг диққат марказида турибди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси ҳаётидаги улкан сиёсий аҳамиятга эга бўлган бу тадбирларни бажариш учун бизда барча имкониятлар, шарт-шароитлар мавжуд. Ички ишлар идоралари ходимлари бунинг учун шай бўлиб турибди.

Ғ. ЙЎЛДОШЕВ
Ўзбекистон Республикаси ИИВ хорижга чиқиш, келиш ва фуқаролик бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги.
(ЎзА)

Сўз -- партия фаолларига

БЕШ ТАМОЙИЛ АСОСИДА

Мустақилликнинг дастлабки онларида дунёга келган ва ўша даврда ўз атрофига жамиятнинг энг соғлом, тараққийпарвар кучларини жипслаштирган партиямиз ўтган қисқа, бироқ тарихий воқеаларга бой давр ичида республикамиздаги етакчи сиёсий ташкилотга айланди. Эндиликда уларнинг сафларини ишчи ва деҳқондан тортиб, то давлат бошлиғигача бўлган партия аъзолари тўлдириб турибди.

Партиямиз ўзининг дастлабки фаолиятиданоқ фуқаролар учун ижтимоий адолатни, муносиб турмуш тарзини, маънавий янгиланишни таъминлашга ҳаракат қилиб келмоқда. Бу сиёсатни у барча соғлом кучлар, корхона ва ташкилотлардаги ўз аъзолари ҳамда унга хайрихоҳ фуқаролар орқали амалга оширмоқда.

Асака шаҳар партия кенгаши ҳам ўз фаолиятида хайрли ишларни амалга оширишга интилиб келмоқда. Шу қисқа вақт ичида шаҳар партия кенгаши умумий сафи икки баравар ўсиб, ундаги аъзолар сони 830 тага етди. Улар 45 бошланғич ва 11 та ҳудудий партия ташкилотларига бирлашишган. «Партиямиз аъзолар сони билан эмас, балки юксак эътиқодли аъзолари билан кучлидир» деган сўзларни ўзимизга шиор қилиб олганмиз. Шунинг учун ҳам сиёсий фаол, пок ва ҳалол кишиларни ўз атрофимизга жипслаштиряпмиз.

Партия дастурида ҳамда Миллий истиқлол мафкурасида илгари сурилган вазифаларни амалга оширишда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов белгилаб берган Ўзбекистон тараққиёт йўлининг беш тамойилларига амал қиляпмиз. Тадбиркор ва ташаббускорлар, кичик корхоналар фаолияти маънавий томондан рағбатлантириб бориляпти. Бошланғич партия ташкилотларимиз ўзларида фаолият кўрсатаётган корхона, ташкилотларни мулкчиликнинг энг афзал, сердаромад шаклларига ўтишларини қўллаб-қувватламоқда. Шу билан бирга аҳолининг ночор қатламларини ҳимоя қилиш йўлида қатор тадбирларни амалга оширяпмиз. Турли мавзуларда илмий-назарий анжуманлар ўтказилмоқда. Партия кенгашимиз қошида ижодкорлар уюшмаси иш олиб боряпти. Асакалик шоирларнинг шаҳримиз тарихига оид илк бор чоп этилган китоби -- «Асака навоси» зукко китобхонлар қўлига етиб борди.

Партиямиз сиёсий жиҳатдан тобланиб, эл-юрт ҳурматини ва ишончини қозонишга эришди. Зеро, у она заминда тинчлик ва бахт-саодат барқарор бўлиши учун курашмоқда.

Иброҳим РАҲМАТОВ,
Ўзбекистон ХДП Асака шаҳар кенгашининг иккинчи котиби.

МУҲТАШАМ БИНОЛАР ЯРАТАЙЛИК

Республика меъморчилик ва қурилиш Давлат қўмитасида мамлакат қурувчи ва меъморларининг семинар-кенгаши бўлди.

Йиғинда республикамизнинг барча вилоят ва туманларидан келган меъморлар, лойиҳачи ва усталар қатнашдилар. Кечани қўмита раиси Тўлаган Набиев олиб борди.

Сўзга чиққан ҳар бир нотиқ умумдавлат манфаатини кўзлаб, янги ғоя ва таклифларни ўртага ташлади. Жумладан, 1995 йилда янги қурилишларимиз қандай бўлмоғи керак, тарихий обидаларни тиклаш ва ривожлантириш, қурувчи кадрлар тайёрлаш, ривожланган жаҳон архитектурасини тадбиқ этишда иқлим шароитларимизни ҳисобга олиш, меъморларнинг ҳуқуқ ва имкониятлари каби мавзулардаги фикрлар қизғин баҳс ва мунозараларга сабаб бўлди.

Қўқон, Андижон ва Ургут шаҳри усталарининг миллий меъморчилик санъатини кўтаришдаги хизматлари юқори баҳоланди.

Наманганлик халқ устаси Й. Отаҳонов, сирдарёлик меъмор А. Ҳошимов, шунингдек, Зомин ва Марғилондан келган бошқа меъморларнинг нутқлари ўтирганларда катта қизиқиш уйғотди. Умуман, ҳар бир куйиниб гапирган меъморнинг ҳур Ўзбекистон учун кўркам ва муҳташам бинолар қуришда ҳисса қўшиш нияти борлиги сезилиб турди. Кенгаш иши давомида кўпчилик ишгирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб топишди.

Н. ИСМАТОВ.

САМАРҚАНД ЧИННИСИНИНГ ДОВРУҒИ

Самарқанд чиннисининг довруғини ким эшитмаган дейсиз. Бу чиннилар кўплаб мамлакатларда ўтказиладиган кўргазмаларда доимо совринли ўринларни олиб келган. Бугунги кунда корхона конвейерларидан юзлаб хил маҳсулотлар чиқиб турибди. Улар ранг-баранглиги, сифати ва харидоргирлиги билан ҳаммага маъқул бўляпти.

СУРАТДА: етакчи рассом Зоя Ким, рассомлар Ольга Тафинцева ва Лидия Кимларни кўриб турибсиз.

Т. НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.

«ИНТЕРКАНАЛ» ИШ БОШЛАДИ

Навоийликлар янги йил арафасида ажойиб қулайликка эга бўлдилар: шаҳар телевидениеси байрам олдидан «Интерканал» деб номланди ва бирйўла 12 та каналда кўрсатувлар олиб бора бошлади. Бунга махсус антенна туфайли эришилди. Замонавий қурилма сунъий ер йўлдошидан тарқатилаётган тўлқинларни бир вақтда ушлайди ва уни 90 километргача бўлган масофага узата олади. Натижада вилоят аҳолиси ва қўшни Бухоро, Самарқанд вилоятларининг бир қатор туманлари эндиликда Москванинг 2-тижорат каналини, Россия телевидениеси, «Интер-Азия» кўрсатувларини, шунингдек Ҳиндистон, Покистон, Бирма, Хитой сингари мамлакатлар телеэшиттиришларини ҳам бемалол кўра оладилар.

-- Бу бизнинг янги йил совғамиздир, -- дейди Навоий «Интерканал» телевидениеси раҳбари Ғулом Султонов. -- Бу сингари қулайликка эришишда шаҳар ҳокими Б. Ҳамдамов ва тадбиркор Ғ. Облоқуловларнинг хизмати катта бўлди.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

CENTRAL ASIAN–AMERICAN ENTERPRISE FUND

МАРКАЗИЙ ОСИЁ – АМЕРИКА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ–ҚУВВАТЛАШ ФОНДИ

Ўзбекистоннинг ишбилармон кишиларини Янги 1995 йил билан табриклар экан, бу йил республика иқтисодиёти учун катта тараққиёт йили бўлишига ишонади.

Фонднинг асосий мақсади беш Марказий Осиё республикаларига бозор иқтисодиётига ўтишда хусусий секторнинг равнақ топишига қодир компанияларига молиявий ёрдам беришдан иборатдир.

Биринчидан, 100.000 дан 5.000.000 АҚШ долларигача ҳажмда тўғридан–тўғри инвестициялар ажратиш йўли билан.

Иккинчи йўналиш –– маҳаллий банклар орқали амалга ошириладиган 1000 дан 50.000 АҚШ долларигача ҳажмда бизнес–ссудаларни бериш йўли билан.

Фонд дастлабки босқич учун 5 бет ҳажмдан зиёд бўлмаган таклифларни тақдим этишни таклиф этади. Унда ўзи ташкил этган фирманинг қачон барпо этилгани, ҳиссабай асосида қатнашувчиларнинг таркибини, раҳбариятнинг иш тажрибаси ва мутахассислигини кўрсатиш ҳамда потенциал бозор маҳсулотларини баён этиш керак. Шунингдек, асосий истеъмолчилар рўйхати, мол сотиш усули, асосий хом ашё рўйхати ва уни етказиб берувчилар манзиллари, операцион ва молиявий тахминлар, харажатлар, даромадлар ва 3 – 5 йиллик давр учун инвестиция харажатлари кўрсатилиши лозим.

БИЗГА ФАҚАТ ЖИДДИЙ ТАКЛИФЛАР КЕРАК!

Манзилимиз:

Нью–Йорк 1501 Broadway, Suite 502

Вақтинчалик манзил: New York, N. Y. 10036 Тел: (212) 826 2100 (212) 371 2587.

Тошкент: Ўзбекистон Республикаси, 700066, Тошкент, Туроб Тўла кўчаси –– 1. тел: (3712) 45–57–56, 45–62–48, 45–57–47, 45–57–51 ёки 45–57–40. ФАКС: (3712) 44–31–83 ёки (вақтинчалик) 44–26–03 абон. 1336.

Юрти бойнинг - ўзи бой

ҲАЛОЛ ИШЛАГАН -- ҲАЛОЛ ЯШАЙДИ

Фориш республикамизнинг йирик қоракўлчилик минтақасига киради. Туман ҳудуди Жиззах вилоятининг салкам 50 фоизини ташкил этади. Бу кенгликлар пурвиқор тоғлар ва бепоён саҳролардан иборат бўлиб, қиши совуқ, ёзи эса жазирама иссиқ бўлади.

Туманда 310 мингдан зиёд қоракўл қўйлар, 4 минг бошга яқин қорамол ва шунча йилқи боқилади. Тоғолди адирлари ва текисликларида ғалла етиштирилади, тоғ дараларида жойлашган кўплаб қишлоқларда узумчилик ва боғдорчилик билан шуғулланилади. Бу қишлоқлар асосан минг бир кўзли чашмалардан сув ичиб, токзор ва боғларни ҳам улардан суғоришади. Тоғ қишлоқларининг табиати ранго-ранг, хушҳаво. Қишлоқларни умумий қилиб «Боғдон» деб аташади. Таърифи етти иқлимга кетган Боғдон майизлари ана шу ерларда етиштирилади. Тоғ халқининг яна бир бойлиги шуки, Нурота қўриқхонаси деб аталувчи ажойиб гўшада жаҳондаги камёб тур ҳисобланувчи олқорлар кўлайтирилади. Тоғ этагидаги бебаҳо бойликлар ҳадя этаётган Учқулоч кони ана шу гўзалликлар маржони ҳисобланади. Шундай гўзал туманнинг меҳнаткаш ва саховатли халқи республикамиз Президенти изчил амалга ошираётган иқтисодий ислоҳотларни тезроқ амалга ошириш, тўлақонли бозор иқтисодиётини тезроқ шакллантириш борасида жонбозлик билан тер тўкмоқдалар. Яқинда мухбиримиз туман ҳокими Эркин ҚОЗОҚОВ билан суҳбатлашди.

-- Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида туман иқтисодини тутиб турган омиллар ҳақида қисқача гапириб, суҳбатимизни бошласангиз?

-- Туманимиз хўжаликларида яйлов чорвачилиги асосий ўрин тутади. Аждодларимиз азалдан қоракўлчилик билан шуғулланиб келишган. «Буюк» инқилобдан кейин ҳам қоракўлчилик форишликларнинг асл касби-кори бўлиб қолаверди.

Туманимизни яқиндан билмайдиган газетхонлар учун айтиб қўяйки, ҳудудимизда қадим-қадимдан ўзбек, қозоқ ва тожик миллатларига мансуб аҳоли ака-ука, қуда-анда бўлишиб ёнма-ён яшайдилар, аҳиллик билан меҳнат қиладилар. Ўша аҳил-иноқлик, қадрдон дўстлик ҳамон давом этиб, мустаҳкамланиб бормоқда. Туман иқтисодини тутиб турган бош омил мана шу.

Аҳиллик бор жойда муваффақият ҳам, барака ҳам бўлади. Бултур хўжаликларимизда 3 миллион сўмлик чорвачилик ва деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Маҳсулот ишлаб чиқаришдан хўжаликларимиз бир миллион сўмликдан кўпроқ фойда олдилар. Тўғри, бу пахтачилик туманлар билан солиштирилганда кам туюлиши мумкин. Бироқ, чорвачилик харажатларини қоплаб, ундан фойда олиш ниҳоятда мушкул иш эканини ҳисобга олсангиз, меҳнаткашларимиз чакки ишламаганликлари аён бўлади.

-- Туман даромадини кўпайтириш имкониятлари борми?

Чорвадор ва ғаллакорларнинг асосий муаммолари нималардан иборат?

-- Илгаридан яйлов чорвачилигини ривожлантириш йўлида ҳал қилинмай келинган муаммоларимиз йиғилиб қолган эди. Собиқ СССРнинг бошқа республикалари билан алоқаларимизнинг узилиб қолиши натижасида улар яна кўпайди. Бунинг устига бу йил Чордара сув омборидан сув тошиши оқибатида 100 минг гектар еримизни сув босганлиги ташвишимизга ташвиш қўшди. Биринчи навбатда қоракўл қўйлар сонини кўпайтириш қийинлашди. Негаки, чорвачилик қоидаларига кўра ҳар бир қоракўл қўйнинг кўнгилдагидай боқилиши ва кўпайиши учун 2 гектар яйлов талаб қилингани ҳолда ҳозир бизда 0,25 гектар ер тўғри келмоқда. Бунинг натижасида чўпонларимиз яйлов алмаштириш имкониятига эга эмаслар. Отарлар йил бўйи бир жойда боқилганлигидан қўйлар турли касалликларга чалинмоқда. Дори-дармонлар масаласини эса ўзингиз яхши биласиз...

Юқорида айтганимиз сув тошқинидан туманимиз бўйича 8 миллион сўмлик зарар кўрилди. 26 та кўтон, 73 та чўпон уйи, 83 та шахтали қудуқ, 34 та очиқ қўра, 9 та қочириш пункти, 21 та иссиқ хонали қўралар сув тагида қолиб кетди. Қўралардан кўчирилган моллар учун янги қўралар қуриш имкони бўлмаяпти. Ҳатто, эскирган қўра-кўтонларни таъмирлаш ҳам амри маҳол бўлаётир.

Еримбетов номли, Омонгелди номли ва «Арнасой» ширкат бирлашмаларимиз бепоён Қизилқум бағрида жойлашган. Ана шу хўжаликларни туман маркази билан боғловчи «Олтин кўприк» сув остида қолиб, уларда яшовчи чўпон-чўлиқларимиз Қозоғистон республикасининг Жеттисой тумани орқали 280 километрлик айланма йўл билан келадиган бўлдилар.

Сиз туман даромадларини кўпайтириш ҳақида сўрадингиз. Ана шу муаммолар ҳам даромад имкониятимизни чекламоқда. Бу гапларни айтишимдан мақсад, чорвадорларимиз ҳаётидан, шарт-шароитларидан нолиш эмас. Бу муаммо ва камчиликлар республикадаги барча қоракўлчилар учун тегишли бўлганидан улар билан кўплашиб йўл-йўриқ, илож-имконият қидирармиз деган умидим бор. Илгарилари яйлов соҳибларини сув билан таъминловчи «Обиҳаёт» деган ташкилот бўларди. Эҳтимол, эндиликда шундай ташкилотни ҳеч бўлмаса туманлараро ташкил этиш мумкиндир.

-- Қоракўл тери, жун, ғалла ва пилланинг харид нархлари оширилди. Бундан туман даромади ҳам ошиши керак эди-ку?

-- Ўтган йили чорвадорларимиз 180 минг 725 бош кўзи олдилар. Шундан 79 минг 500 боши тери учун сўйилиб, 20 минг 400 та тери Бухородаги қоракўл заводига топширилди. Бироқ, ҳозиргача ана шу теріларнинг пулини ололганимиз йўқ. Қолган 59 мингта қоракўл теримиз ҳамон сотилмай қолмоқда.

Пиллакорларимиз етиштирган 36 тонна пилла пули ҳам насия бўлиб турибди. Гўшт ва сут саноати идоралари маҳсулотни олишда чаққон бўлсаларда, пулини тўлаб қўйишга шошилмаяпти. Республикамиз Президенти Вазирлар Маҳкамасининг ўтган галги йиғилишида бу соҳаларнинг мутасаддиларига маҳсулот учун пул тўлашни тўхтатмаслик ҳақида кўрсатма берган эди.

Ғалла уруғчилиги тобора ёмонлашиб бораётгани ғаллакорларимизни ташвишга солмоқда. 1994 йилда 16,5 минг гектар майдонга ғалла экиб, лалми ерларнинг ҳар гектаридан 6,1 центнердан, суғориладиган майдонлардан эса 15--17 центнердан ҳосил олдик. Тўғри, бунда сувни пахтакор туманлардан кейин олишимиз ҳам сабаб бўлаяпти. Лекин асосий сабаб уруғчиликда. Шунга қарамай, бу йил кузда бултургига нисбатан 4 минг гектар кўп ғалла экдик.

-- Дастурхон кўрки -- Боғдон майизларининг таъриф ва шуҳрати маълум. Уни кўпайтириш ва четга чиқариш борасида нима ишлар қилиняпти?

-- Узумчилик билан асосан Мусоқул Оролов номли, «Фориш» ва «Боғдон» ижара ширкатлари бирлашмалари соҳибкорлари шуғулланишади.

Токзорларни кўпайтириш имкониятларимиз бор. Бунинг учун қурилиши тўхтаб қолган «Илончи» ва «Ана-муна» сув омборларимизни битказишимиз керак. Ўшанда йилига 2 минг тоннадан зиёд майиз етиштиришимиз мумкин бўлади. Ҳозир ҳаммаси бўлиб 500 тоннадан зиёд майиз тайёрланди. Бу ҳам ўз эҳтиёжларимиз ва ўз бозорларимиздан ортмайди.

-- Туманда иқтисодий ислоҳотларнинг бориши ҳақида қисқача гапирсангиз.

-- Бу ишни аҳолининг ўзи яшаб турган давлат тасарруфидаги уй-жойларни хусусийлаштиришдан бошлаган эдик. Туман бўйича бундай уй-жойларнинг ҳаммаси хусусийлаштириб берилди. Давлат хўжаликларини 2 та жамоа хўжалигига, 9 та ширкат бирлашмасига айлантирдик. Барча қорамолчилик фермаларимизни 6 та ҳиссадорлик жамиятига бирлаштириб, ижобий натижаларга эришмоқдамиз. 30 дан ортиқ фермер хўжаликларимизда маҳсулот ишлаб чиқариш миқдори сезиларли даражада ошиб бораётир.

Қишлоқни саноатлаштириш ва ёшларни иш билан таъминлаш борасида аниқ дастур ишлаб чиққанмиз. Жумладан, сўнгги бир йил давомида Мусоқул Оролов номли ширкат бирлашмамизда жун йигирладиган ва гилам тўқиладиган корхона ишга тушди, «Фориш» ширкат бирлашмаси ва туман таъмирлаш идорасида теріларни ошлаш цехлари ишлаб турибди. Туман марказида чарм кийимлар тикадиган корхона қуришни бошламоқчимиз. Бу корхонага керакли асбоб-ускуналар ва дастгоҳларни чет эллардан маҳсулот айирбошлаш йўли билан келтиришга келишиб олдик. Италиялик ишбилармонлар «Туркистон» ширкат бирлашмамизда ип йигирув фабрикаси қуришга киришдилар. Хуллас, туманимизда чорвачилик хом ашёсини тайёр маҳсулотларга айлантиришнинг кенг истиқболларини ишлаб чиқмоқдамиз ва қўлламоқдамиз.

-- Туман ҳудудида Учқулоч кони ва Арнасой кўллар тизимининг Айдар деган кўли борлигини биламиз. Улардан туман иқтисодиётига наф келяптими?

-- Учқулоч конининг ишга туширилганига 10 йилдан ошди. Кондан қазиб олинаётган руда Олмалиқ тоғ-металлургия корхонасига ташилиб, ундан нодир металлар ажратиб олинади. Ҳар йили миллион тонналаб рудадан олинаётган металлар ана шу корхонага катта фойда келтиряпти. Бизга эса туман экологиясини зарарлашдан бошқа хизмат йўқ, ҳатто, бюджетга ҳам бир мири тўламайди.

Айдаркўл ҳам барча фойдани бошқа туманга келтириб, зарарини бизга тўкмоқда. Уни маъмурий жиҳатдан ҳам бизга бериш ҳақида кўплаб таклифлар киритишимизга қарамай, мутасадди идоралар бунга эътибор бермаяптилар.

Суҳбатимиз давомида англадингизки, туманимизда муаммо ва қийинчиликлар анчагина. Лекин, меҳнаткаш халқимиз республикамиз раҳбарияти олиб бораётган иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлардан руҳланиб, бутун куч ва имкониятларини ана шу сиёсатни қўллаб-қувватлашга қаратмоқдалар. Ижтимоий онгдаги бу ўзгаришлар туманимиз маданий ҳаётида ҳам яхши самара бермоқда. Бу йил туманимиздаги 79-мактаб базасида лицей очилди, май ойида республика халқ ўйинлари халқаро олимпиадаси бўлди. Бу нарсалар миллий қадриятларимизни тиклаш ва янгича анъаналар ва урф-одатларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этди.

Суҳбатдош:
Келдиёр ЖУРАҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Мустақиллик ғурури

ИСЛОҲОТ -- ИНСОН ОНГИНИНГ ЎЗГАРИШИДИР

Янги йил арафасида Тошкент шаҳридаги заводлардан бирида инженер бўлиб ишлайдиган бир танишим билан учрашиб қолдим. Одатдаги савол-жавоблардан кейин у ўзининг турмуши унча яхши эмаслигидан, моддий қийинчиликлардан нолиб кетди. Мен унинг кўп фикрларига қўшилмадим. Ўртамизда юз берган тортишувмунозара бугун жуда кўпчиликни ўйлантираётган муаммолар устида бўлиб ўтганлиги туфайли унинг қисқача баёни билан кўпчиликни таништириш иштиёқи мени ёзишга ундади.

Инженер танишимнинг биринчи саволи:

-- Мен 1990 йилга қадар ҳам инженер вазифасида ишлар ва ойига 300--350 рубль атрофида маош олар эдим. Шу пул менга ва тўрт кишидан иборат оиламга ўртача турмуш кечириш имконини берар эди. Бугун ҳам ўша лавозимда ишлайман ва барча қўшимчалари билан биргаликда 600 сўм атрофида маош оламан. Лекин оиламнинг 1990 йилдаги турмуш даражасини сақлай олмаяпман. Нега?

-- Аввало, биз мустақил давлат бўлганимизга эндигина уч йилдан ошди. Узоқ йиллар мустамлакачилик зулми остида яшаб мустақилликка эришган халқларнинг ҳаёти бирданига яхши бўлиб кетганини тарих билмайди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин мустақилликка эришган Осиё, Африка ва Америкадаги ўнлаб давлатларнинг бугунги аҳволига назар ташлайлик. Уларнинг муайян қисмида ҳаттоки бугун ҳам фаровон турмуш таъминлангани йўқ. Ёки ўта ҳарбийлашган иқтисодни бозор талаблари асосида қайта қурган. Германия ва Японияни олиб кўрайлик. «Немис» ва «япон» мўъжизалари ҳақида гапирила бошлагунга қадар улар дастлабки 5-10 йил ўта оғир иқтисодий вазиятда яшашди. Масалан, немис ёки япон ишчисининг 50-йиллар бошида оладиган бир ойлик иш ҳақи 4-5 кишилик оилани энг оддий ва арзон овқатлар билан боқишга зўрға-зўрға етиб турганлигини кўпчилик билади.

Биз бугун бир пайтнинг ўзида 50-60-йиллардаги немис ёки японларга нисбатан кам бўлмаган, баъзи ўринларда эса ҳатто уларникига нисбатан чигалроқ муаммоларни ҳал этмоқдамиз. Мустақилликка эришган пайтимиздаги Ўзбекистон халқ хўжалигининг аҳволи иккинчи жаҳон урушида мағлуб бўлган Германия, Япония каби давлатлар иқтисодиёти каби аянчли эди. Давлат секторининг алоҳида салмоғи ва марказлашиш даражаси каби кўрсаткичлар бўйича мазкур давлатларнинг иқтисодиёти бир-бирларига анчагина ўхшаса-да, Германия ва Япония иқтисодиётининг бошқа ўта кучли устунлиги бор эди, яъни уларда бозор муносабатларини бутунлай йўқ қилиб юборишмаган эди. Қолаверса, улар мустақил давлатлар эди. Биз эса бир пайтнинг ўзида мустамлака иқтисодиётни мустақил давлат иқтисодиётига айлантиришимиз, мавжуд маҳкамавий-буйруқбозлик асосига қурилган хўжаликни бозор талаблари негизида бутунлай қайта қуришимиз ва собиқ империянинг парчаланиши натижасида юзага келган иқтисодий йўқотишлар ўрнини зудлик билан тўлдиришимиз зарур эди.

Демак, ҳар қандай давлатда ҳам бизнинг мамлакатимиз бугун бошидан кечираётган шаклланиш ва оёққа туриш даврида юз бераётган турмуш даражасининг бирозпасайиши каби қийинчиликлар бўлиши табиий бир ҳолдир.

Қолаверса, сўнгги 3--4 йил ичида одамларнинг турмуш тарзи тўғрисидаги фикрлари, айниқса, ҳаётий эҳтиёжлари тубдан ўзгарди. Олдин 2--3 хонали квартирага эга бўлиш, уни амаллаб жиҳозлаш ўртача турмуш кечириш белгиси эди. Уйнинг ичида мебелдан ташқари ўзимизда ишлаб чиқарилган телевизор ва холодильник бўлиши етарли эди. «Жигули» маркали автомашинага эга бўлиш эса бойликдан нишона эди. Бугун ўртаҳол оила энди «Жигули» эмас, хорижий маркали автомобиллардан тортиб видео, радио ва телеаппаратуралар, холодильник, сантехника ва авваллари борлигини биз билиб-билмаган жуда кўп хил уй жиҳозларига эга бўлишни истайди. Турмуш даражаси ҳақида гапирганда биз инсон руҳиятида содир бўлган бундай ўзгаришларни назардан соқит қилсак тўғри бўлармикин?!

-- Бу фикрларингизга қўшиламан. Лекин масаланинг бошқа бир жиҳати бор. Ўзингиз ўйланг, биз дунёнинг энг кўп пахта етиштирадиган ва олтин қазиб оладиган давлатларидан биримиз. Фақатгина пахта ва олтин ҳисобигагина 23 миллион халқнинг фаровон турмушини таъминлаш мумкин эмасми?

-- Сўзларингиз ҳақиқатга қанчалик мос келишини аниқлаш учун бир оз таҳлилга мурожаат қилайлик. Ўзбекистонда етиштириладиган пахта толаси ва қазиб чиқарилаётган олтиннинг ҳаммасини жаҳон бозори нархларида сотишдан олиш мумкин бўлган фойданинг катта қисми биз шу пайтга қадар четдан харид қилиб келаётган ва ularсиз фаровон ҳаёт кечириш у ёқда турсин, ҳатто оддий тирикчиликни таъминлаш имкониятини яратиш мутлақо мумкин бўлмаган бор-йўғи иккита маҳсулот -- нефть ва ғалла сотиб олиш учун ажратилиб келинди. Вазият сўнгги икки йилда ижобий томонга ўзгара бошлаганини биламиз, лекин нефть ва ғалла мустақиллигини таъминлашга етишганимиздан кейингина бундай ортиқча харажатлардан қутуламиз. Бундан ташқари, яна қанча маблағ четдан турли машина ва механизмлар, асбоб-ускуналар, саноат ва озиқ-овқат моллари сотиб олишга сарфланмоқдаки, ҳозирча уларнинг ўрнини ўзимиз тўлдириш имкониятига эга эмасмиз.

-- Бозорларда ва дўконларда керакли товарни дарҳол топа олмайсан. Ёки қидирган молингни топсанг унинг сифати талабга жавоб бермайди. Россия бозорларида ҳамма нарса бор дейишади...

-- Россия бозорларида маҳсулот кўплиги ҳақидаги фикрингизга қўшиламан. Лекин агар билсангиз, бу товарларнинг асосий қисми хориждан хусусий йўл билан (асосан қоп кўтарган тижоратчилар ёрдамида) келтирилган ва дунё бозорида ўз харидорини топа олмаган моллардир. Бундай маҳсулот билан бозорларни тўлдириш жуда катта ақл талаб қиладиган тадбир эмас. Зеро, бутун жаҳон бизнесменларининг бошини қотирадиган муаммоларнинг муаммоси -- тайёрланган маҳсулотни тез ва юқори баҳода сотиш ҳисобланади. Шундай экан, бозорлар эшигини очиб юборсак, бас, улар маҳсулотларини ўзлари олиб келиб беришади.

Тўғри, бундай ҳодисанинг ижобий томонлари ҳам бор: бу усул билан бўш қолган бозорларни тўлдириш мумкин, иқтисодиётда рақобат руҳини яратиб, ўз товар ишлаб чиқарувчиларингни маҳсулот сифати учун курашишга мажбур қилишинг мумкин ва ҳ. к. Бир пайтнинг ўзида Россияда четдан келаётган нисбатан арзон ва сифатли маҳсулот шу товар ишлаб чиқаришга ихтисослашган кўплаб корхоналарнинг синишига ва минглаб ишчиларнинг кўчада қолишига ҳам олиб келмоқдаки, бундан кўз юмиб бўлмайди.

Қолаверса, сиз ҳавас билан тилга олган Россияда бугун энг арзон ва рўзғорбоп моллар пойтахтимиздаги отчопардагига ўхшаш «қора» бозорларда сотилмоқда. Бундай бозорлар харидор учун эмас, балки сотувчи учун қулайдир. Масалан, кимдир сизга усти ялтироқ, аслида сифатсиз маҳсулотни сотди дейлик. Сиз буни уйга келиб, кейин сездингиз. Айтинг-чи, бузуқ ёки сифатсиз молни сизга сотган сотувчини жойида топа оласизми, топдингиз ҳам дейлик, у молнинг тан олинишига ким кафолат беради? «Қора» бозорларнинг ҳаддан ташқари кўпайиб ва кенгайиб кетиши халқни ҳақиқий бозордан чалғитади, ишлаб чиқариш ва маърифий савдонинг ривожига тўсиқ бўлади, шунингдек, жиноятчиликнинг кучайишига ҳам моддий асос бўлади.

Бутун дунёда ўз бозорини биринчи навбатда ўз маҳсулоти билан тўлдириш, маҳсулотни мумкин қадар четга кўпроқ экспорт қилиш, қисқаси, бозор учун доимий кураш давлатлар бошлиқлари ва ишбилармонлар бошини қотириб келаётган муҳим муаммо ҳисобланади. Эътибор беринг, яқин йилларда нисбатан арзон япон енгил автомашиналарининг АҚШ бозорларида кўпроқ сотила бошланганлиги натижасида икки мамлакат ўртасида бир неча бор тарихда «савдо уруши» деб номланган давлатлараро келишмовчиликлар келиб чиққан.

Олдинроқ шундай осон йўлни танлаган Ҳамдўстлик давлатлари мисолида бугун ўз бозорларини бир кийганда йиртилиб, икки кийганда узилиб тушадиган хорижнинг моли билан тўлдириб олиш жуда осон, лекин ундан қутулиш ўта қийин эканлигини кўриб турибмиз.

Бугун Россия истеъмол бозорининг ярмидан ортиғи хорижликлар қўлига ўтиб кетди. Юз берган оғир аҳволни зудлик билан тузатиш мақсадида ҳукумат ички бозорни ҳимоя қилиш бўйича махсус комиссия тузишга мажбур бўлди ва шу йилнинг бошида фавқулодда ваколатларга эга мазкур ташкилот ўз фаолиятини бошлади.

-- Мен малакали мутахассисман. Мени ўқитиш, мутахассис сифатида тайёрлаш учун давлат жуда кўп маблағ сарфлаган. Бугун заводда ҳар қанча тиришиб ишламай, олаётган маошим, ҳали юқорида айтганимдек, оилани тебратишга зўрға етаяпти. Нега маошимизни кескин ошириб, етарли қилиб қўйиш мумкин эмас?

-- Сиз ҳозир бутунлай эскича руҳда фикрлаяпсиз. Маърифий жамиятда давлат ўз фуқароларини боқиш каби вазифа билан шуғулланмайди (аҳолининг объектив сабабларга кўра меҳнат қила олмайдиган қатламлари бундан мустасно). Давлатнинг бундай мажбурият олиши кулгили ва собиқ коммунистик империя ўйлаб топган мантиқсиз нарсалардан биридир. Яъни, давлат меҳнаткашлар яратган бойликнинг асосий қисмини ўта ниқобланган йўллар билан ўзлаштириб олар ва кейин уларнинг ўзига гўёки давлат ҳисобидан турли-туман шаклда ёрдам кўрсатар эди. Натижада жамиятда ҳар қандай вазиятда ҳам мени ва оиламни давлат боқиб олади, деган ноиқтисодий ва носоғлом кайфият вужудга келган эдики, бу ҳолат ўз навбатида яхши яшаш учун яхши меҳнат қилишни шарт қилиб қўймас эди.

Аслида эса жамият аъзоларининг фаровон яшаши учун давлат томонидан бажарилиши зарур бўлган энг муҳим вазифа -- фуқаролар тинч, осойишта яшашлари ва ўз имкониятларини тўла рўёбга чиқара олишлари учун етарли шарт-шароит яратиб беришдир. Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида бугун шундай шарт-шароитларни яратди. Шундай эканлигини ўзимиз ҳам тушуниб етмаётган, айримларимиз эса ҳатто тан олмаётган бўлишимиз ҳам мумкин, лекин вазият ҳақиқатда ҳам шундай ва буни маърифий дунё аллақачон тан олди.

Бугун Ўзбекистон ҳудудида малакали инженер ўзини синаб кўриб, шуғулланиши мумкин бўлган сон-саноқсиз фаолият турлари пайдо бўлди-ку. Нега бу имкониятлардан фойдаланиш тўғрисида ўйламайсиз? Янги ташкил топаётган кўплаб фирма, қўшма корхона ва бошқа ташкилотлар билимли, изланувчан мутахассисларга жуда катта эҳтиёж сезишмоқда. Қолаверса, заводингизда ишни янги талаблар асосида қайта ташкил этиш учун уриниб кўрдингизми?

Худди сиз каби фикрлайдиган одамларнинг ҳали кўплиги давлат томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун жуда қатта ҳажмда маблағ ажратиб келаётганлигининг муҳим сабабларидан бири эмасми? Давлат халқнинг бозор муносабатлари шароитида яшашга ҳали тайёр эмаслиги туфайли қилаётган бу харажатлари қўшимча бойлик яратмаслиги, бошқача айтганда, бугун истеъмол қилиниб кетиши ҳеч кимга сир эмас-ку.

Қолаверса, мамлакатимизда бугунги иш ҳақи мавжуд маҳсулот ва кўрсатиладиган хизматлар даражасига мос. Унинг кўтарилиши маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ошишига мос келмаса, бу ҳолат инфляциянинг кучайишига сабаб бўлади.

-- Матбуотда 1995 йил 1 январдан бошлаб барча товарлар эркин баҳоларда сотилиши ҳақидаги ҳужжат эълон қилинган. Бу товарлар баҳосининг кескин ошишига ва инфляциянинг кучайишига олиб келмайдими?

-- Бу ўринда ҳам хавотирланишга асос йўқ, деб ҳисоблайман. Аввало шуни таъкидлаш керакки, савдода товарлар эркин нархда сотилмас экан, бозор муносабатларини ўрнатиб бўлмайди. Қолаверса, ҳозирги шароитда эркин нарх ҳукмрон бўлмаса, бозорларимизнинг мол билан тўлиши мумкин эмас.

Республикамизда Президентимизнинг бозор муносабатларини шакллантиришнинг беш тамойилига амал қилган ҳолда биз савдода бозор баҳоларига ўтишни бирданига эмас, балки босқичма-босқич ҳал этиб келдик. Бу ўз самарасини берди. Бугун энди савдода фақат бозор талаблари асосидагина баҳони аниқлаш босқичига ўтмоқдамиз. Лекин очиқ тан олиш керакки, жуда кўп товарларнинг баҳоси сўнгги ойларда бозор баҳолари билан тенглашиб қолди. Шу боис ҳамма товарлар баҳоси кескин ошиб кетиши мумкин эмас. Давлат энг зарур маҳсулотларни етарли миқдорда жамғариб қўйганлиги ҳам ўз самарасини бериши шубҳасиз.

Савдонинг эркинлашуви инфляциянинг кучайишига қарши хизмат қилувчи муҳим омил ҳисобланади. Шунга қарамасдан қайсидир бир хил товар гуруҳлари баҳосининг ошиш ҳоллари бўлиши мумкин. Начора, баҳо талаб ва таклиф асосида белгиланар экан, нархнавонинг ўзгариб туриш ҳодисасига кўникиш керак бўлади.

-- Яқинда заводимизда иш ҳақини бериш бир неча кунга кечикиб кетди. Кечикиш сабабини ҳисобимизда вақтинча пул йўқлигини рўкач қилиб, пул беришдан воз кечган банк билан боғлашди. Биз ахир маҳсулот ишлаб чиқазяпмиз-ку, нега пул йўқ бўлар экан. Банк бериб турса бўлар эди-ку, нега бундай қилади? Қолаверса, накд пул йўқ деб, иш ҳақини вақтида ололмаётган бошқа корхоналар ҳам бор деб эшитяпман. Шу гап тўғрими?

-- Иш ҳақи олиш учун корхонангизнинг ҳисобида маблағ бўлиши шарт. Сиз маҳсулот ишлаб чиқарганингиз билан уни харидор сотиб олмаса, даромадсиз қолишингиз муқаррар. Иш ҳақи ва бошқа мақсадлар учун қарз бериш ёки бермаслик -- бу банкнинг ички иши. Агар қарзни ўз вақтида қайтаришингизга ишонса ва қарз бериш учун ресурслари етарли бўлса, банк корхонага ёрдам қилиши мумкин. Бундай ҳолатларда айбни ташқаридан қидириш, ёрдамни давлат ёки банкдан кутиш ҳоллари бозор иқтисодиёти талабларига мос келмайди. Заводнинг харидоргир, замонавий талабларга жавоб бера оладиган маҳсулот ишлаб чиқариши учун қандай чора ва тадбирлар амалга ошириш кераклиги ҳақида ўйлаш керак бўлади.

Баъзи жойларда накд пулнинг етишмаслик ҳолатлари юз бераётганлиги менга ҳам маълум. Лекин бу ҳодисалар ҳукуматнинг айби билан юз бераётгани йўқ. Муомалага чиқарилган накд пулнинг умумий ҳажми мамлакат бўйича мутлақо етарли. Қайсидир ҳудудда унинг етишмай қолиши шу жойдан муайян миқдордаги накд пулнинг бошқа ерларга ўтиб кетиши эвазига содир бўлади. Бунинг олдини олиш учун ҳар бир қишлоқ, шаҳар, туман ёки вилоятда пулнинг эркин айланишига барча шароитни яратиб бериш, бозорларни маҳсулот билан тўлдириш ва пулни хизмат соҳаларини ривожлантириш бўйича тинмай ишлаш, изланиш керак. Бир пайтнинг ўзида жойларда тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кескин кўпайтириш тўғрисида ўйлаш зарур.

Бир нарсани тўғри тушуниш керак, аслида етарли, лекин бир туманда маҳаллий раҳбариятнинг етарли даражада жон куйдириб ишламаётганлиги ёки юқорида санаб ўтилган сабаблар туфайли юз берган ҳар бир ҳолатда қўшимча пул юборилавериши пулнинг қадрсизланишига олиб келади ва пировард натижада халқнинг ўзига жабр бўлади.

-- Пулнинг қадрсизланиши ва моллар-нинг нархи ошишининг сабаби нимада ва қандай олдини олиш мумкин?

-- Пулнинг қадрсизланиши ҳар қандай давлатда юз берадиган ва унга қарши кураш барча давлатлар раҳбариятининг доимо бошини қотирадиган муаммодир. Энг кучли, барқарор пул бирликлари ҳам йил давомида 4--5 фоизга қадрсизланишга учрайди. Ҳамма гап қадрсизланишнинг даражаси қанча эканлигини аниқлаш, уни жиловлашнинг оқилона йўлларини қидириб топиш ва улар ёрдамида пулнинг курси барқарор бўлишини таъминлашдан иборат.

Бу ҳолат ўз валютасини янгидан киритган давлатлар ичида йўл қўйилиши мумкин бўлган даражада юз бермоқда. Молларнинг нархи ошиши эса савдо эркинлашгандан кейин муайян бир паллага бориб мувозанатга чиқади.

Лекин ҳар қанча ҳаракат қилингани билан ишлаб чиқаришнинг ўзи ривожланмас экан, на пулнинг барқарорлигини тўла таъминлаб бўлади, на моллар нархининг ошишига барҳам бериб бўлади. Иқтисодиёт кучли бўлмаса, бошқа чоралар фақат вақтинча ёрдам бериши мумкин, холос.

Ўзбекистонда келажакда буюк давлат қуриш учун асос бўла оладиган, ривожланган давлатларга хос товарларнинг мўл-кўллигини ва валютанинг барқарорлигини таъминлайдиган кучли иқтисодий замин яратиш йўлида жуда катта ишлар олиб борилмоқда. Мисолларга мурожаат қилайлик. Мустақилликка эришганимиздан кейин ҳеч қанча ўтмай собиқ Иттифоқ парчаланишининг сўнгги йилларида деярли тўхтаб қолган қурилиш ишлари яна қайтадан жонлана бошлади ва бугун бутун мамлакатимиз катта бир қурилиш майдонига айланиб қолди, десак, муболаға бўлмайди.

Бу ўринда ислоҳотларнинг боришига бевосита таъсир эта оладиган энг йирик қурилиш объектлари номларини санаб ўтишнинг ўзи кишини ҳайратга солади. Кўкдумалоқ ва Мингбулоқ конларида ўзлаштириш ишлари жадаллик билан давом этмоқда, Андижон ва Хоразмда автомобиль корхоналари, Қоровулбозорда нефтни қайта ишлаш, Қизилқумда фосфорит корхоналари янгидан барпо этилмоқда, Муборак газни қайта ишлаш, Навоий кон-металлургия, Янги Ангрен ва Таллимаржон ГРЭСларининг иккинчи ва учинчи навбатлари қурилаяпти.

Эътибор берингки, Ўзбекистонда яратилаётган даромаднинг жуда катта қисми мамлакатимизни ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқиш учун зарур кўприк бўлиб хизмат қила оладиган янги тармоқ ва корхоналар барпо этиш, илғор хорижий технологияни олиб келтириш, халқ хўжалиги структурасини замонавий талаблар асосида бутунлай қайта қуриш каби йўналишларга сарфланмоқда. Молиячи сифатида айтишим мумкинки, шу соҳаларга ажратилаётган маблағларни хориждан истеъмол моллари сотиб олишга сарфланганда мамлакатимиз бозорларини арзон ва сифатли моллар билан тўлдириб юбориш мумкин бўлар эди. Бунга республикамизнинг кучи, имконияти етди. Лекин бу ҳолат узоқ давом этиши мумкин эмаслиги кўпчиликка маълум-ку! Фараз қилайлик: пуллар тугайди, имконият камаяди, бозорлар бўшайди. Кейинчи? Яна эски ҳаммом, эски тосми?

Давлат харажатларининг кўплиги турли сабаблар туфайли юз беради. Қайсидир давлатларда ҳарбий харажатлар кўп бўлади, бошқаларида ҳокимият ва бошқарув сарфлари орта борса, яна бирларида унча самарасиз, лекин ўта қиммат, шоҳона иншоотлар қуришга ружу қўйишади.

Ўзбекистонда эса давлат харажатларининг даромадлардан кўплиги ижтимоий ҳимояга, айниқса, қурилиш ва илғор технологияни жорий этиш билан боғлиқ йўналишларга катта ҳажмда маблағ ажратилаётганлиги билан изоҳланади. Ижтимоий ҳимояга харажатлар аҳоли турли қатламларининг турмуш даражаси бозор иқтисодиёти шаклланиши жараёнида кескин пасайиб кетмаслиги учун ажратиладиган маблағлардир.

Иккинчи гуруҳ, яъни иқтисодий ривожланишни таъминлашга ажратиладиган маблағлар давлат харажатлари таркибида қанча салмоқни ташкил қилиши мумкинлиги ҳақидаги масала 1994 йилнинг 16--18 ноябрида Бангкок шаҳрида бўлиб ўтган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатларда макроиқтисодий ислоҳотлар мавзуида ўтказилган халқаро анжуманда узоқ тортишувларга сабаб бўлди. Қувончлиси шуки, бу халқаро анжуманда макроиқтисодий бошқарув ва инвестиция масалалари бўйича Ўзбекистон тажрибасининг аҳамиятга молик эканлиги алоҳида қайд этилди. Бизнинг, айниқса, хориждан пул шаклида қарз эмас, технология олаётганлигимиз, йирик объектларни шериклик асосида қураётганлигимиз, хорижий ишбилармонлардан қурилишни энг сифатли, айниқса ўта қисқа муддатларда барпо этишга қодирларини ҳамкорликка олаётганлигимиз, хорижий инвесторларга давлат томонидан бераётган кафолатларимиз ижобий баҳоланди. Ўзбекистон хорижий инвестиция келиши учун мақбул шарт-шароитлар яратилган давлатлар қаторида санаб ўтилдики, бу бизнинг ислоҳотларимизнинг самарали эканлигини жаҳон тан олаётганлигидан нишонадир.

Иқтисодий соҳада кун тартибига миқдорий кўрсаткичларнигина эмас, балки сифат кўрсаткичларини ҳам яхшилашга эришиш масаласининг қўйилиши ва бу соҳада изчиллик билан фаолият кўрсатилаётганлиги бугунги Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим ва ўзига хос белгисидир. Масалан, ўтказилган қатор тадбирлар самараси сифатида мамлакатимиз хомашё давлатидан тайёр маҳсулот чиқарадиган ўлкага айланиб бормоқда. Ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида тайёр маҳсулотнинг улуши 3--4 йил олдин 37--40 фоиз бўлса, бугун 60 фоиздан ошиб кетди. Яқиндагина пахта толасининг 7--8 фоизигина мамлакатимиз корхоналарида қайта ишланар эди, холос. Бугун бу кўрсаткич 20 фоизга етиб қолди. Шундай ижобий ўзгаришлар хом ашёнинг барча асосий турларини қайта ишлаш бўйича юз бермоқда.

Мамлакатимизда шу кунга қадар бўлмаган бир қатор янги тармоқлар ташкил этилмоқда ва янги маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошланди. Шу жумладан, автобуслар, «ИЛ--114» маркали самолётлар, автомобиллар, радиоприёмниклар, видеомагнитофонлар, автомобиль шиналари, кичик ҳажмдаги қишлоқ хўжалик техникаси, сув радиаторлари каби ўнлаб хил биз учун янги маҳсулот турлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилмоқда. Ўз-ўзидан маълумки, бундай маҳсулотлар Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий саҳнасига дадил чиқиб боришида муҳим кўприк бўлиб хизмат қилади.

Бу тадбирлар ўзининг самарасини бера бошлади, яъни дастлабки қурилиш объектларимиз фойдаланишга топширилмоқда. Бозорларни тўлдириш ва сўмнинг қадрини мустаҳкамлаш жараёнида бу ўта муҳим аҳамият касб этади.

Лекин ҳаммамиз билишимиз зарур бўлган битта муҳим масала бор. Янги валютани жорий этиш ва уни мустаҳкамлаш фақатгина Президент ёки ҳукуматнинг иши бўлиб қолса ва бошқалар пассив томошабин бўлиб тураверса, бу соҳада ҳеч қачон муваффақиятга эришиб бўлмайди. 1993 йил 7 декабрда Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда сўзлаган нутқида айтилганидек, «Сўмимиз нуфузли, тан олинган валютага айланиши учун ҳаммамиз тер тўкиб меҳнат қилишимиз керак бўлади». Жаҳон молия саҳнасида яна бир қувватли пул бирлиги -- сўмнинг пайдо бўлиши ҳаммани қувонтиравермайди. Жаҳон бозорларида узоқ ва муросасиз курашлар натижасида энг нуфузли валюталар аллақачон ўз ўринларини белгилаб олишган. Улар орасида яна бир шундай қудратли валюта учун бўш турган вакансия ҳозирча йўқ.

Бахтга қарши, бугун биз, 23 миллионли мамлакат фуқароларининг маълум қисми, бу масала кўламини етарли даражада тасаввур эта олмаяпмиз. Кундалик рўзғорташвиши, бир лаҳзалик фойда бизни чалғитмоқда.

Ўз пулига ўтган баъзи бир Ҳамдўстлик давлатларида валютанинг қадрини ошириш учун, содда қилиб айтганда, зўрлик усулидан, яъни иш ҳақини вақтида бермаслик, унинг миқдорини оширмаслик ва муомаладаги валюта ҳажмини сунъий равишда керагидан оз миқдорда ушлаб туриш каби воситалардан фойдаланишмоқда. Биз эса миллий пул бирлигининг қувватини шундай сунъий йўл билан кўтариш усулидан фойдаланмаяпмиз. Агар мақсад ишлаб чиқариш эмас, фақат пул бирлигининг қувватини ушлаб туриш бўлганда эди, бунинг уддасидан бемалол чиққан бўлур эдик. Лекин бу вақтинча чора. Узоқ муддат пул курсини сунъий равишда ушлаб туриш пировард натижада шу халқнинг ўзига жабр бўлади.

Маълумки, бозор иқтисоди шароитида шахсий манфаат жуда кўп нарсалардан устун туради. Лекин биз ҳозир шундай тарихий ўзгаришлар шароитида яшаяпмизки, умумдавлат манфаатларини биринчи ўринга қўйиш ҳар бир фуқаронинг миллат олдидаги инсоний бурчига айланиб қолаётган ҳолатлар жуда кўп. Масалан, аслида хориждан валюта ҳисобига келтирилаётган ва шу пайтга қадар аҳолига қийматидан анча арзон сотилиб келинган озиқ-овқат молларини четга ноқонуний олиб чиқиб кетиш инсофданми? Бир дақиқалик даромадни ўйлаб вақтинча қийинчиликлардан фойдаланиб ўз миллий иқтисодиёти оёқ ости бўлиши эвазига бойлик орттираётган баъзи бир нопок тижоратчилар нимани ўйлашмоқда? Наҳотки, улар шу даражада тубанлашиб кетишган?

Сўмнинг қадрини ошириш -- умумхалқ ишига айланмас экан, Ўзбекистон ҳеч қачон қувватли ва жаҳонда эътироф этиладиган валютага эга бўла олмайди. Бундай улуғ вазифани бажариш мамлакатимиз барча фуқароларининг руҳига сингиб, ҳаммамиз бир тан -- бир жон бўлиб ҳаракат қилмасак, мустақиллигимизнинг иқтисодий пойдевори ночор бўлиб қолаверади. Президентимиз таъбири билан айтганда, «Бугун масалани кўндаланг қўймоқ керак: сўмимизни мустаҳкамлай олсак, умуман иқтисодий ислоҳотларимиз муваффақиятини таъминлаган бўламиз, ҳақиқий иқтисодий мустақилликка эришамиз. Бу жараён нафақат давлатимизни, балки республикада яшаётган ҳар бир фуқарони синовдан ўтказади».

Бугунги ҳаётимизда қийинчиликлар ва етишмовчиликлар бор, улардан кўз юмиш ҳақиқатга тўғри келмайди. Уларнинг бир қисми собиқ Иттифоқдан қолган бўлса, бошқа қисми мустақил давлатчилик ва бозор иқтисодиётини шакллантириш билан боғлиқ равишда юзага чиқмоқда. Лекин бир пайтнинг ўзида бизда аҳоли кенг қатламлари манфаатларини мумкин қадар сақлаган ҳолда бу қийинчиликлардан тезроқ чиқиб кетишга мўлжалланган пишиқ-пухта дастур ишлаб чиқилган ва у амал қилмоқда. Биз собиқ иттифоқдош республикалар ичида биринчи бўлиб иқтисодий танглик босқичидан чиқиб кетишимизни бугун улар тан олишмоқда. Айрим ҳамюртларимиз учун қийин туюлган Ўзбекистондаги осойишталик ва мавжуд иқтисодий ҳаётни Ҳамдўстлик давлатларининг кўпгина раҳбар ва фуқаролари орзу қилишмоқда.

Бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг академик И. Каримов яратган назарияси ва уни Президент сифатида амалга оширилиш стратегияси унинг ҳақлигини, халқчиллигини ва самарали эканлигини тарихан ўта қисқа муддат -- бор-йўғи уч йилда исботлай олди. Бу йўлнинг издошлари кун сайин кўпаймоқда. Бизнинг тажрибамиз Ҳамдўстлик давлатларининг жуда кўпчилигида, шу жумладан, Россия Федерациясида тобора кенг қўлланилмоқда. Масалан, бугун Россия раҳбарияти ислоҳотларда давлат ҳокимияти бош раҳбар бўлиши зарурлиги тўғрисидаги Президентимизнинг тамойилларидан бирини татбиқ қилиш учун қатъий ҳаракат қилмоқда. Беларусь Президенти А. Лукашенко эса биринчи расмий ташрифини Ўзбекистондан бошлади ва мамлакатда иқтисодий ислоҳотларнинг Ўзбекистон йўлидан боришини очиқ эътироф этди. Бундай давлатлар тобора кўпайиб бораверишига шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

Мамлакатимиз Президенти ҳузуридаги Иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва хорижий сармоялар бўйича идораларо кенгашнинг ўтган йил 16 декабрь куни бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида юртбошимиз ислоҳотлар одамлар дунёқарашида, тафаккурида қандай ўзгаришларга олиб келаётгани ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди. Ўтказилаётган туб ўзгаришлар инсон онгини, дунёқарашини ва савиясини ошираётганлиги бу соҳада эришилган энг катта ютуғимиздир. Шунга қарамасдан ҳали бу соҳада амалга оширишимиз зарур бўлган ишлар жуда кўп. Масалан, худо ҳам четдан ёрдам кутиб ўтирмасдан, ҳаракат қилган, изланган одамга билим ва бойлик беради. Президентимиз таъбири билан айтганда, одам ўзини боқа олсагина бой бўлади. Ҳар бир одам бой бўлса, давлат бой бўлади, ҳар бир оила обод бўлса, мамлакат обод бўлади.

Орадан йиллар ўтади. Бугунги вақтинча қийинчилик ва етишмовчиликлар ортда қолади, фаровон жамият қурамиз, оғир кунларни унутамиз ҳам. Ана шундагина биз ўзимизнинг бугунги ҳаётимиз Ўзбекистон тарихининг ўта муҳим саҳифаси, яъни буюк келажакнинг асосини яратиш йўлларига тўғри келганини тушуниб етамиз. Иншоолоҳ, бунга оз қолди ва Ўзбекистоннинг буюк келажагини таъминлаш учун ҳормай-толмай ишлашнинг ўзи буюк бахтдир.

Одилжон ОЛИМЖОНОВ,
иқтисод фанлари доктори,
профессор.

„БИЗ КИМ, МУЛКИ ТУРОН“...

ИККИ РЕСПУБЛИКА ЙЎЛЛАРИ БЎЙЛАБ

Икки қўшни давлат -- Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг минглаб аҳолиси бир шаҳардан иккинчисига бориш учун Келес автотранспорт корхонасининг автобусларидан фойдаланади. Бу корхона яқинда 25 йиллик юбилейини нишонлади. Автокорхона машиналари Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Жанубий Қозоғистон вилоятлари бўйлаб қатнайди.

Олдинги хўжалик алоқаларининг узилиши натижасида юз берган ўтиш даври қийинчиликларига қарамай, келесликлар техникани эҳтиёт қисмлар, гараж ва бошқа зарур анжомлар билан таъминлашни яхши уддалашяпти. Бу ишда улар асосан ўз кучларига таянишмоқда, шунингдек МДҲ мамлакатларида ва бошқа давлатларда мижозлар топишга ҳаракат қилишмоқда.

ҚИРҒИЗИСТОНДА ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВИ ЎТКАЗИЛАДИ

Қирғизистонда 1995 йил 5 февралда ўтказиладиган мамлакат парламенти сайловига номзодларни рўйхатга олиш ниҳоясига етди. Марказий сайлов комиссиясининг хабарига қараганда, 70 депутатлик ўрни учун 621 номзод кўрсатилган. Уларнинг 81,8 фоизи қирғиз миллати вакилларидир. Номзодларнинг 9 фоизини аёллар ташкил қилади. 35 ўриндан иборат қонун чиқарувчи кенгашга эса 364 кишининг номзоди кўрсатилган.

ЛОТИН АМЕРИКАСИГА ТАШРИФ

Алмати. Қозоғистон Республикаси ташқи ишлар вазири Қосимжўмард Тўқаев Бразилияга жўнаб кетди.

У Фернандо Энрике Крассонинг қайтадан Бразилия Федератив Республикаси Президенти этиб сайланиши муносабати билан бўладиган тантанали маросимда қатнашади.

Қозоғистон ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари Лотин Америкасидаги бир қанча давлатлар ташқи ишлар вазирлари билан ҳам учрашади.

ТОЖИКИСТОН ЎЗ ПУЛИНИ ЧИҚАРИШНИ РЕЖАЛАШТИРМОҚДА

Душанбе. Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов мамлакатда миллий валютага ўтилиши муқаррарлигини маълум қилди.

Аҳолини накд пул билан таъминлашдаги муаммолар, маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматларни рағбатлантириш зарурати шу тадбирни амалга оширишни тақозо этмоқда, деди мамлакат Президенти республика халқига мурожаатида.

(Марказий Осиё ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Юрган дарё

ҚУЁШ ЙЎЛИ

ЁХУД ЯШИЛ ШАҲАР МЎЪЖИЗАСИ

Сафар қилиш ё саёҳатга бориш киши руҳининг янгиланишига, тасаввури ва тафаккури бойишига омил бўларкан. Шу маънода Покистон Ислом Республикасига қилган сафаримиз анча сермазмун ва ширин хотираларга бой бўлди. Мамлакат пойтахти Исломободда бўлиб ўтган ислом давлатлари ҳунармандларининг Биринчи халқаро фестивалида ўзбекистонлик бир гуруҳ ҳунарманд ва санъаткорлар муваффақиятли қатнашдилар. Бу республикамиз миллий санъати оламида унутилмас воқеа бўлди.

Илгари Покистонда мунтазам ўтказиб келинаётган мазкур фестивал бу йил биринчи марта Халқаро миқёсга чиқди. Фестивални Лок Вирза (халқ мероси) ва ИРСИСА (Ислом халқлари адабиёти, тарихи, санъати тадқиқоти) Марказлари ҳамкорликда ташкил қилган. Унда ер юзининг мусулмон мамлакатларидан келган моҳир ҳунармандлар, санъатшунос олимлар ва санъаткорлар фаол иштирок этиб, ўз истеъдодларини намойиш қилдилар. Ижодий меҳнатлари илк бор жаҳон миқёсида юксак баҳоланиб йирик кўргазмага қўйилганидан халқ ҳунармандлари беқиёс қувондилар.

Фестивал мамлакат Президенти қароргоҳи қаршисидаги улкан ва равон шоҳкўчада катта байрам тантанаси билан очилди. Покистонда бўладиган барча йирик байрамлар, сайллар, фестивалларнинг шу ҳашаматли кўчадан бошланар экан. Очилиш маросимида мамлакат Президенти Аҳмад Хон Легҳорий табрик нутқи сўзлади. Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Беназир Бҳуттонинг фестивал қатнашчиларига йўллаган табригини ҳукумат вакили ўқиб эшиттирди. Ҳар икки табрик ҳам олқишлар билан кутиб олинди.

Намойиш майдонида саф-саф бўлиб ўтган ҳунармандлар, санъаткорлар ўз халқининг куй-қўшиқлари ва рақсларини маҳорат билан ижро этдилар. Мустақил Ўзбекистоннинг байроғини мағрур кўтариб, майдон бўйлаб шаҳдам қадам ташлаган республикамиз санъат аҳли вакилларига қараб юракларимиз севинчга тўлди. Мағрур ҳилпираётган байроқни кўриб юракларимизда эркин ва мустақил миллат туйғуси яна ҳам жўш урди.

Ўша куни ҳаво жуда иссиқ эди. Лекин фестивал қатнашчиларининг жўшқин ҳароратлари олдида табиат жазирамаси сезилмади. Ҳунармандларнинг кўргазмаларида, санъаткорларнинг чиқишларида, мутахассисларнинг амалий мулоқотларида фестивалда пайдо бўлган дўстлик ва биродарликнинг қайноқ тафти ҳар лаҳзада сезилиб турди. Фестивал покистонликлар йўлбошчиси Муҳаммад Али Жинна номидаги миллий спорт комплексида бўлиб ўтди. Ҳар бир мамлакатга ажратилган алоҳида павилонда ҳунурмандларнинг кўргазмалари ва савдо расталари ташкил этилди. Шу нарсани мамнуният билан айтиш керакки, Ўзбекистон павилони доим гавжум бўлди. Ҳунармандларимизнинг бетакрор истеъдоди билан ишланган ёғоч қутичалар, турли сопол буюмлар, бежирим зардўзлик намуналари, пичоқлар, ҳар хил мусиқа асбоблари, гўзал сўзаналар, чиройли кашталар фестивал қатнашчилари, меҳмонлари ва ҳайъат аъзоларида катта қизиқиш уйғотди. Ўзбекистонлик ёғоч-ўймакор Ортиқ Файзуллаев, зардўз Бахшулла Жумаев, кандакор Шокиржон Камолов фестивал якунида ташкилий қўмитанинг олий мукофотларига сазовор бўлдилар. Бу дунё миқёсида ўзбек халқ ҳунурмандчилик санъатига берилган юксак баҳодир. Мукофотларни Покистон Ислом Республикаси маданият вазири Фахри Замон топширди.

Таниқли санъаткорлар Бобомурод Ҳамдамов, Аҳмаджон Шукуров, Дилмурод Исломов, Элмира Норбоеваларнинг қўшиқ ва рақслари фестивал иштирокчиларига жуда манзур бўлди. Айниқса, Бобомурод Ҳамдамов ижро этган «Феруз» ашуласини қўшиқпараст покистонликлар зўр олқишлар билан кутиб олдилар. Ашуланинг ҳар бир авжида миннатдорчилик қарсаклари янграб турди. Машҳур «Лазги» эса уларнинг қалбларини ўйнатди, доира садолари, най наволари, раққосалар хироми вужудларини титратди. Хуллас, ўзбек ўз санъатини юксак маҳорат билан намойиш этиб, барчани лол қолдирди...

Покистон ҳақида, унинг пойтахти Исломобод тўғрисида асосан жуғрофия дарслари орқали билганмиз. Лекин ҳақиқий Исломобод дарсликларда ёзилгандан ҳам зиёда, ажойиб ва гўзал маскан экан. Бу ям-яшил шаҳарни таърифлаганда гўзал сўзига яна нимадир етмаётгандек туюлади. (Аслида гўзалларга нимадир етмайди). Ҳақиқатан шаҳар кўчалари, майдонлар, йўллар ва йўлаклар атрофи алоҳида эътибор билан ўстирилган ёки парвариш қилинаётган турфа дарахтлар, гуллар билан безанган. Ям-яшил тоғлар ва қирлар билан ўралган шаҳар гўё сокин жимирлаб турган яшил денгизни эслатади. Исломободдан бир неча чақирим юқоридаги тоғ бағрида жойлашган Қўҳи Даминга чиқсангиз шаҳар яна ҳам жозибали бўлиб кўринади. Тунги шаҳар эса беҳисоб тақинчоқларини эринмай тақиб олган сулув келинчакка ўхшаб кетади. Номидан кўриниб турибдики, шаҳар келажакда ислом оламининг мўъжизавий гўшаларидан бирига айланиши керак. Шу боис шаҳар бағрида тутуни кўкка бурқсийдиган ҳашаматли завод-фабрикалар, атроф-муҳитни заҳарлайдиган корхоналар йўқ. Борлари ҳам шаҳардан анча олисда.

Исломобод Покистонда қад ростлаётган катта шаҳарлар орасида энг навқирони. Унинг қурила бошланганига ҳадемай 30 йил бўлади. Қисқа даврнинг ичида шаҳар беқиёс даражада ўсиб, кенгайиб бораяпти. Бу ерда бўй ростлаётган иморатлар, майдонлар, кўчалар ва йўллар бошқа шаҳарлардаги манзараларга асло ўхшамайди. Шаҳарнинг шоҳ кўчаларидан бири буюк ватандошимиз Абу Али ибн Сино номи билан аталади. Шаҳар қиёфасида, биноларнинг ички ва ташқи кўринишида такрорий кўринишлар деярли учрамайди. Исломободни Осиё ва Оврупонинг бугунги руҳини, турмуш тарзини ўзига ҳар жиҳатдан ниҳоятда саралаб мужассамлантираётган йирик маданият ва маънавият маркази дейиш мумкин. Айримлар уни икки қитъанинг тараққиёт кўприги, деб таърифлашади. Аслида икки йирик қитъадаги ижтимоий, иқтисодий ва маданий ривожланишнинг энг яхши намуналари, илғор анъаналари шаҳар ва шаҳарликлар дунёсига сингиб кетаётганлиги ҳар қадамда сезилади. Исломободда қурилиш-меъморчиликка эътибор катта. Бу иш ҳукуматнинг қатъий кўрсатмаси билан амалга оширилянти. Айниқса, меҳмонхоналар қуришни, мезбонларга юксак эҳтиром билан хизмат кўрсатишни улардан ҳар қанча ўрганса арзийди. Шаҳарнинг кўркам жойида қад ростлаган Файсал Масжид -- шубҳасиз ХХ аср меъморчилигининг дилбар намуналари қаторига киради. Бу улкан обида бир қарашдаёқ инсон ақлини ошириди, унга яқинлашган сайин кўзларни ҳайратга тўлдиради, руҳингизни ўз-ўзидан ифорли туйғулар чулғайди. Вужудингиз нималардандир фориғ бўла бошлайди, ичкарига киришингиз билан ўзингизни парвоз қилаётган қушдек енгил сезасиз. Ва беихтиёр юрагингиз тўлиб кетади... Энди буёғини баён этишга қаламнинг кучи ожизлик қилади. Саудия Арабистони подшоси Файсал қурдирган ушбу масжид қошида Халқаро Ислом университети ва ўн минг фондга эга бўлган кутубхона бор. Унда жаҳоннинг барча ислом мамлакатларидан келиб таълим олишади. Университет нуфузи жиҳатидан дунёдаги ислом олий ўқув юртлари орасида иккинчи ўринда туради.

Шаҳар ҳар тонг масжидларда янграйдиган муборак азон товушлари билан уйғонади. Лекин намоз ўқишга ҳамма ҳам боравермайди. Покистон ислом давлати бўлгани учун диннинг таъсири кучли. Айни пайтда қутлуғ динимизнинг ҳамма йўл-йўриқлари ва маросимларига покистонликлар имкониятдан, шароитдан ва замон талабларидан келиб чиқиб амал қилишар экан. Дафн маросими ҳам Қуръони каримда қандай ёзилган бўлса шундай адо этилади. Диннинг таъсири кучли бўлгани билан давлат ишларига аралашавермайди. Айрим диний мазҳаблар, гуруҳлар ўртасида низолар рўй берса, дарҳол ҳукумат томонидан тартибга чақирилади. Қонун устивор мамлакатда шундай бўлади.

Мамлакат хотин-қизларининг 90 фойизига яқини ишламайди, уйда ўтириб бола тарбияси, рўзғор юмушлари билан шуғулланади. Оилани боқиш асосан эркаклар зиммасида. Байрамлар, сайллар ва маданий тадбирларга албатта оилавий бўлиб боришади. Хуллас, Исломободда бойлар бойдек, камбағаллар эса камбағалдек қаноат қилиб яшайдилар. Сабр-қаноатда ҳикмат кўп. Камбағалларни кўпроқ Исломободга қўшни -- эски пойтахт Равалпинди шаҳрида учратиш мумкин. Бу шаҳар қайсидир жиҳатлари билан Бухоронинг жин кўчаларини эсга солади. Дўконлари ҳар хил маҳсулотлар, турли кийим-кечаклар билан тўлиб-тошиб ётибди. Айрим ип-газлама, чарм маҳсулотларининг кўп туриб қолганидан ранги хира тортган. Ҳар икки шаҳарда ҳам савдо ва харид қилиш маданияти анча юксак. Дўкончилар савдосотиқ қилиб эмас, балки дўконда уюлиб ётган тўда-тўда маҳсулотларнинг чангини қоқиб чарчайдилар. Улар учун бу анча оғир юмуш ҳисобланади. Лекин арзон беришга кўзлари қиймайди. Агар ўнта костюм-шимни ёки пойафзални кийиб кўриб мабодо олмай кетсангиз асло хафа бўлишмайди. Аксинча, жилмайиб «шукрия» деб қўйишади. Афсуски, дўконлар атрофи, бозорлар йўлаклари, айрим кўчалар ниҳоят даражада ифлос. Фаррошлар кам, бойвачча дўкондорларнинг салгина эгилгиси келмайди. Тозаликка эътиборсизлик шаҳар ҳуснига соя ташлаб турибди.

Бу мамлакатда машиналарни турли хил рангли тақинчоқлар билан безатиш қизғин анъанага айланган экан. Айниқса автобуслар худди янги тушган келинчакдай бир-биридан зиёда қилиб безатилган. Кўриб кўзларингиз қамашади. Юк машиналарини айтмайсизми, кабинасидан тортиб, юк ортадиган қисмигача эринмай нақшланган. Машина атрофига осилган чиройли занжирчалар юрганида жиринг-жиринг қилади. Ҳатто велосипедлар, мотоцикларга ҳам ялтироқ тақинчоқлар тақилган. Ажаб дунё, шўрлик одам ўзи юпун кийиниб, машинасини обдон безатса... Машиналар кўплигидан йўлнинг у ёғидан бу ёғига ўтиш амримаҳол. Исломободда машиналар соатига 60 километр тезликда юриши керак. Бу қоидани фақат бизнесменлар, амалдорлар ва бойваччалар тез-тез бузиб туради.

Фестивал кунлари Ўзбекистон Республикасининг Покистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Наим Ғойибов, элчихона ходимлари Тошмирза Ҳолмирзаев, Қобилжон Собиров биз билан тез-тез хабарлашиб, айрим юмушларни ҳал этишда яқиндан ёрдам бердилар. Фестивал иштирокчиси, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, бобуршунос Сабоҳат Азимжонова билан турли соҳа ижодкорларидан ташкил топган «Интеллект» зиёлилар клубида учрашув бўлди. Таниқли урдушунос олим, Покистон тарихи ва маданиятининг пухта билимдони Тошмирза Ҳолмирзаев ташаббуси билан бўлган ушбу учрашув буюк ватандошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижодига бағишланди. Покистонликлар Бобурни беқиёс даражада яхши кўришаркан. Ҳатто учрашувга йиғилган хонадон соҳибининг исми Заҳириддин экан. Учрашувда қатнашган машҳур шоир Замир Жафари, таниқли олим ва танқидчи Ғазанфар Меҳди, рассом, шоир, ҳаттот Шоҳ Аббос, қаламкашлардан Шамим Икромул Ҳақ, Абдулҳолиқ Саргона қизиқарли саволлар бердилар. Лекин учрашувлардан маълум бўлдики, улар Бобур ҳаёти ва ижоди ҳақида кам маълумотларни билишаркан...

Суҳбат жараёнида яна шу нарса аён бўлдики, покистонлик ёзувчиларнинг аҳволи бироз қийин экан. Ёзувчиларнинг на уюшмаси, на уларни бирлаштирган бирор бир идораси бор. Китоб чоп этиш машаққат. Солиқлар миқдори катта. Умуман, ёзувчилар учун имтиёзлар ниҳоятда чегараланган. Аҳволни яхшилаш мақсадида ҳукуматга қилинаётган мурожаатлардан наф кам. Хуллас, бу мамлакатда қалам тебратиб кун кечириш, асар ёзиб ном чиқариш нина билан қудуқ қазишдай гап.

Сафар кунлари Исломободнинг баланд тепалигида жойлашган Шакар Парян боғига бордик. Бу гўзал гўша исломободликлар ва меҳмонларнинг ҳақиқий сайлгоҳи экан. Боғда туриб шаҳар жамолини бемалол тўйиб-тўйиб томоша қилиш, ҳар бир манзарани қайта-қайта кўриш мумкин. Исломобод яна ҳам улуғвор, яна ҳам жозибали бўлиб кўринади. Бу ердан ҳатто Равалпинди шаҳари ҳам кўзга ташланади.

Шакар Париян муборак қадамжой ҳисобланади. Покистонга ташриф буюрган кўпгина давлат раҳбарлари сафар давомида мазкур боғда бўлиб, чиройли дарахтлар экканлар. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳам Покистонга қилган расмий сафари чоғида сарв дарахтини ўтқазган эди. 1992 йил 13 август куни каттагина майдоннинг ўртасида экилган дарахт шу кунларда гуркираб ўсаяпти. Дарахт ёнидаги мармар лавҳага унинг қачон, ким томонидан экилгани инглиз тилида ёзилган. Айтишларича, бу дарахтда кор турмас, аксинча у кўпроқ қуёш тафтини ёқтирар экан. Қуёшнинг ҳароратли йўли Ўзбекистон билан Покистон осмонини бир-бирига боғлаб турганидек, сарв дарахти ҳам икки халқнинг азалий дўстлиги, чин биродарлиги рамзи сифатида кўкка бўй чўзиб, бобо қуёшга қараб интилаётир. Бу гўзал дарахтни кўплаб хорижлик меҳмонлар ҳам зиёрат қилмоқда. Ишқлиб ёмон кўзлардан асрасин! Президентимиз Ислом Каримов эзгу ниятлар билан эккан ушбу дарахт узоқ йиллар Ўзбекистон ва Покистон халқлари ўртасидаги тинчлик, дўстлик, ўзаро иқтисодий ва маданий алоқаларни мустаҳкамлаш йўлидаги рамзий элчи сифатида мағрур қад ростлайверсин!

Хуллас, қисқа сафар давомида Исломободни қуёш йўлидаги мўъжизалар шаҳри, деб атагим келди. Эҳтимол, бу мафтункор шаҳарга ташриф буюрган бошқа қаламкаш уни ўзича кашф этар, ўзича ном топар...

Ашурали ЖЎРАЕВ

МЕҲРДА ЖАМЛАНГАН ЖАҲОН

Янги йил арафасида Гулистон шаҳридаги туғруқхона замонавий медицина асбоб ускуналари билан жиҳозланган янги бинога кўчиб ўтди. Малакали мутахассислар эса оналар ва чақалоқлар хизматига чоғланишган. Муассаса 220 ўринли бўлиб, шундан 20 таси болажонлар учун.

Туғруқхонада малакали ва намунали хизматни ташкил этишни бу ердагилар бош врач Марьям Ҳожиматова билан боғлашади. Опанинг мамлакатимизда юз мингдан ортиқ инсоннинг дунёга келишида ҳиссаси борлигиёқ бунинг далили. Ўтган йил пировардида Оила йили муносабати билан ўтказилган ижтимоий сўров натижалари бўйича Сирдарё вилоятида М. Ҳожиматова йилнинг энг яхши аёли деб топилди.

Кишилар Марьям опани бежиз танлашмаган, албатта. Меҳр кўзда деганлари рост-да. Қарийб чорак асрки, опа халқ хизматида. Баъзан шундай бўлади, унинг юзидан ёғилган меҳр ёғдулари, беморга ишонч, келажак ваъда қилувчи бир оғизгина ширин калимаси касалга доридан-да кучлироқ фойда беради. Аслида дунёнинг устунлари шу меҳр, шу оқибат эканлигини исботлаганлардан бири ҳам Марьям опа, унинг сафдошлари бўлса ажабмас.

Ҳ. ЭРМАТОВ.

Суратларда: 1. Янги туғилган ватандошларимиз.

2. Туғруқхона ҳамшираси Гулчеҳра Ғоибова -- меҳр ва қалб кенглигини опадан юқтирган инсон.

Б. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

Анъана

СИРА БЎЛМАСИН, УРУШ

САМАРҚАНД (мухбиримиздан). Болалар ва ўсмирлар ижодиёти саройида қизиқарли анжуман ўтказилди.

Халқаро болалар тинчлик ва қуролсизланиш V фестивали дастури асосида ташкил этилган бу анжуман кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Иқтидорли ўғил-қизлар ва уларнинг ота-оналари тўпланиб, ҳарбий ўйинчоқларни бошқа кўнгилочарларига алмаштирдилар. Истеъдодлилар кўригида шеър, қўшиқ ижро этилди, тинчлик лотереяси ўйналди. АҚШнинг Ўзбекистондаги тинчлик корпуси ваколатхонаси ҳомийлигида ташкил этилган бу тадбир болалар қалбида ўчмас из қолдирди.

Фармон ТОШЕВ.

Ғалабанинг 50 йиллигига

МАНГУЛИК ТИМСОЛИ

1941-45 йилларда фашизм устидан эришилган Ғалабанинг 50 йиллигига бағишлаб Ўзбекистон Республикаси «Хотира» китобини босмадан чиқариш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

Жами 33 жилддан иборат бўладиган китобларнинг қўлёзмалари нашрга тайёрлаб қўйилган. Ҳозирча Самарқанд вилояти бўйича китобнинг 3 та жилди босмадан чиқди. Тошкент шаҳри, Хоразм, Қашқадарё вилоятлари бўйича 2 тадан китоб тайёрлаб қўйилди. Қорақалпоғистон ҳамда Наманган, Навоий, Фарғона ва Сурхондарё вилоятлари бўйича 1 тадан китоб босмадан чиқарилди. Урушда ҳалок бўлган ёки бедарак йўқолган350 мингдан ортиқ Ватан ўғлонининг номлари ана шу «Хотира» китобида қайд қилиниб, қисқача маълумотлар баён этилади.

Андижон вилояти бўйича 100 мингдан ортиқ киши фронтга йўл олган эди. Шундан 40 минг нафари она-юртига қайтмади. Жон фидо бўлган ёки шаҳид кетган бу йигитларнинг номлари китобнинг 3 та жилдига жо бўлиши кутилмоқда. Ҳозирча бу китобнинг дастлабки жилди «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилди.

Ўзбекистон Республикаси «Хотира» китобини нашрга тайёрлашда кенг жамоатчилик ва кўплаб қаламкашлар жалб этилди. Хусусан, жамоатчилик тахририяти аъзолари орасида Ўзбекистон Республикаси уруш ва меҳнат фахрийлари Кенгаши раиси Бектош Раҳимов, республика Матбуот давлат комитети раиси Рустам Шоғуломов, мазкур китобни тайёрлаш бўйича илмий методик марказ масъул котиби Абдурашид Мажидов, генерал-лейтенант Собиржон Охунжонов, «Ўзбекистон Қомуси» нашриётининг бош муҳаррири Нурислом Тўхлиев каби жонкуярлар бор. «Хотира» китоби урушда ҳалок бўлганлар учун ажойиб ёдгорлик, Ғалабанинг 50 йиллигига муносиб туҳфадир.

Муҳаммаджон РАҲИМОВ,
Андижон вилояти «Хотира» китоби ишчи гуруҳининг раҳбари.

Сиёсий латифалар

...МЕН ЛЕНИН

Телбахонада шифокорлар даволанувчиларнинг ҳолидан вақти-вақти билан хабар олиб, уларни суҳбатга тортардилар.

-- Хўш, қалайсизлар? -- дебди шифокор тўртовлон ўтирган даврага мурожаат қилиб. -- Шундай қилиб, сизларнинг қайси бирингиз Ленин бўлдингиз? -- деб сўрабди. Шунда улардан уч нафари қўл кўтариб, ёш болалардек: «Мен Ленин! Мен Ленин!», деб чувиллашибди. Шифокор қараса улардан бири жим ўтирганмиш. «Хўш, нега сен индамайсан?, -- деб ундан сўрабди. У бўлса:

--Уларнинг бари телба, бу ерда фақат мен Ленин, -- дермиш.

УНДА НИМАНИ ҚАЙТА ҚУРДИЙКИН?

Боқий дунёда Леонид Ильич билан Никита Сергеевич учрашиб қолишибди.

-- Никита Сергеевич, -- деб сўрабди Брежнев, -- бу дейман ўз даврингда бирон нарса курганмидинг?

-- Қаёқда дейсан, -- дебди Хрушчев, -- биласан-қу хорижий сафарлардан қўл бўшамаган.

-- Ҳа, мен ҳам деярли биронбир қурилиш қилмаганман, -- дебди Леонид Ильич. -- Нега десанг унвону нишонлар тарқатиш ва олишда ошуфта эдим...

Қизиқ у ҳолда Михаил Горбачев нимани қайта қурдийкин?..

БЎЛСА -- БАҲАМ КЎРАМИЗ, БЎЛМАСА -- ШУКР ҚИЛАМИЗ

Ҳазрати Шақиқий Балхий Иброҳим Адҳамдан сўради:

-- Кун кечирмоқ учун Сиз нима қилдингиз? Қаерга маблағ тўплаяпсиз? Яшашингиз учун нималар қилдингиз?

Иброҳим Адҳам бундай жавоб берди:

--Бўлса -- шукр қиламиз, бўлмаса сабр.

Шақиқий Балхий ушбу жавоб -- иршодни айтди:

-- Ё Иброҳим! Сенинг бу ишингни бизнинг Хуросон кўпаклари ҳам қила оладилар. Бўлса -- ейдилар, бўлмаса -- сабр қиладилар.

Иброҳим Адҳам:

-- Ҳазрат, Сизчи? Сиз нима қиласиз? -- деди.

Ҳазрат Шақиқий Балхий:

-- Бўлса -- баҳам кўрамиз, бўлмаса -- шукр қиламиз, -- деди.

Иброҳим Адҳам:

-- Жуда тўғри сўзладингиз, устоз, -- деди.

ҚИССАДАН ҲИССА: Ҳақ йўлчиларининг айрича аломатлари, иршоди, ўгитлари алоҳида қадрлидир. Аллоҳ йўли солиҳларининг неъматлари жуда буюкдир. Уларнинг қадр-қиймати ниҳоятда баланддир.

Ё РАББИМ, АДОЛАТИНГНИ КЎРСАТ!

Бир куни, Ҳазрат Мусо Жаноби Ҳаққа мурожаат қилди:

-- Ё Раббий! Адолатингни кўришни истайман, -- деди. Жаноби Ҳақ Мусога:

-- Ё Мусо, шу тоғнинг этагига бориб ўтир. У ерда адолатимни кўрасан, дедилар.

Ҳазрат Мусо бориб, ўша тоғ этагида ўтирди. Ҳеч ким йўқ, қуш ҳам учмайдиган бир жой. Мусо:

--Ё Раббий! Бу ер ҳувиллаган, кимсасиз бир ер экан. Сенинг адолатингни қандай кўраман бундай жойда? -- деб сўради. Жаноби Ҳақ:

-- Ё Мусо, сабр қил! Адолатим шу кимсасиз жойда қанчалик намоён бўлишини кўр! -- деб айтдилар.

Ҳазрат Мусо тўрт тарафга диққат билан қараб ўтирар экан, узоқда бир отлиқ пайдо бўлди. Суворий отини чоптириб келиб, тоғ этагидаги чашмадан сув ичирди. Ўзи ҳам отдан тушиб, қўллари, юзини ювди. Шу аснода белидан олтин тўла ҳамённи чиқариб қирғоққа, булоқ ёнига қўйди. Отини суғориб, юз-қўлини ювиб отига миниб йўлига кетди. Ҳамённини унутиб шу ерда қолдирди. Кўп вақт ўтмай, бир бола булоқ олдига келди. Бола сув ичди, қўлини, юзини ювди. Кетаётиб олтин солинган ҳамённи кўрди ва уни олиб ўйноқлаб, сакраб-сакраб булоқ олдидан узоқлашди. Шу пайт қўлида асо ушлаган бир кўр ҳассасини тошларга уриб-уриб бу ерга келди. Сув ичди-да, булоқ олдидан энди нари кетган эди, ҳамённини унутган суворий етиб келди. Отлиқ мағрур бир қараш билан ўнггасўлга тикилди. Ҳамённини қолдирган чашма бўйига синчков қаради. Ҳамённини топа олмади. У ёқ- бу ёққа аланглаб қарар экан, нарироқда ҳассасини дўқиллатиб кетаётган кўрни кўриб қолди. Отлиқ зудлик билан бориб, аъмони ёқасидан ушлади ва «Ҳамённимни бер», деди.

Кўр унга:

-- Шошилманг, афандим, қанақа ҳамён? Мен ҳамённи кўрмадим, -- деса ҳам отлиқ ишонмади.

--Бу ерда сендан бошқа ҳеч ким йўқ. Олтин тўла киссамни сен олгансан, -- деб уни ўлдирди.

Ҳазрат Мусо:

-- Ё Раббий! Бу ҳозир мен кўрган воқеа адолат эмас, зулмдир. Чунки ҳамённи кўр олмаган эди, деб муножаат қилди.

Жаноби Ҳақ:

-- Ё Мусо! Бу кўрганларинг, ҳаммаси адолатимдир. Отлиққа ҳамённи унутдирдим. Бола келиб топиб олди. Ҳамён боланинг ҳақи эди. Отлиқ боланинг отасидан олтин тўла ҳамён қадар пул олган эди. Боланинг отаси ўлди. Отлиқ боланинг отасидан пул олганлигини бола билмайди, деб тониб кетди. Пулни болага бермади. Кўр эса бир вақтлар отлиқнинг отасини ўлдирган эди, аммо бунга шоҳид йўқ, қотил бемалол юрарди, ул одамнинг ўлгани шундай қилиб унутилган эди. Ё Мусо! Сен адолатимни истаган эдинг, ана ҳозир бутун адолатим намоён бўлди. Ҳеч кимса Илоҳий адолатимдан қутула олмайди. Бола ҳақини олди. Отлиқ отасининг қотилини ўлдирди, қасос олди. Илоҳий адолатим адо этилди.

ҚИССАДАН ҲИССА: Эй саноқли нафас сармояси ила (яъни олдиндан белгиланган умр ила) дунёга келган одам! Шуни тушунгинки, қилган ишларингдан сўроққа тутиласан! Қилган ҳар бир ишинг Илоҳий адолат ҳузурида кўрилади, ўзингни ўша адолат маҳкамасига кўра ҳозирла! Қилган ёмонликларим ҳеч нарсага таъсир этмайди, деб ўйлама, бундай хато фикр юритма. Ҳар бир қилмишинг, феълингдан ҳисоб берасан, сўроққа тутиласан.

Ўзингни алдама. Йўлингни тузат. Илоҳий адолат олдида жавоб бераман, деб ўзингни ҳозирла. Барча ишларинг қудрат кўзгусида кўринади, унутма.

Юсуф ТОВАСЛИЙнинг «Ҳикматлар хазинаси»дан.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги, касаба уюшмаси Иқтисодиёт ва иқтисодий ислоҳотни жорий қилиш бош бошқармаси таркибидаги инвестиция ва бюджет маблағларидан фойдаланиш бўлими бошлиғи Дилшода Расуловага волидаи муҳтарамаси

Адолат ая НОСИРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Тошкент кимё-технология институти ректорати ва органик моддалар ишлаб чиқариш кимё технология факультети «Асосий органик ва нефть кимё синтези технологияси» кафедраси мудири, доцент Б. Қодировга отаси

АБДУКОДИР отанинг

вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Фанлар академияси Кимё институти жамоаси институт лаборатория мудири; республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, кимё фанлари доктори, профессор Э. О. Ориповга рафиқаси

Тўлиной ОРИПОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Алишер МАРДИЕВ, Аслиддин БОЛИЕВ(масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими - 33-11-49, 32-53-15.
Қабулхона -- 33-65-45, 32-55-15.

Реклама ва эълонлар бўлими тел: 33-38-55, 32-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Жиззахда -- 3-31-86; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Бухорода -- 3-54-87; Навоийда -- 3-74-76; Қаршида -- 3-25-79; Урганчда -- 6-51-35; Гулистонда -- 2-26-22; Наманганда --6-43-43; Қумқўрғонда -- 5-26-24; Фарғонада -- 26-37-16.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. • Газета офсет усулида А--2 форматида босилади. • Ҳажми 2 босма табоқ. • Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 21.00. Г -- 1276, 72841 нусхада босилди.

Навбатчи муҳаррир С. АШУРОВ, навбатчи Ҳ. ЭРМАТОВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.